

# Маҳалла

17 (723)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 29 апрель. Пайшанба

ISSN 2010-7013

«БИЗ КУЧЛИ ВА СОҒЛОМ ОИЛА»

## Оилавий спорт — баркамоллик пойдевори

Инсоннинг соғлом фикрлаши, бунёдкорлик ишларини амалга ошириши унинг жисмонан чиниққанлигига ҳам боғлиқ. Президентимиз мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ халқимиз руҳини кўтариш, саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратади. Оналик ва болаликни ҳимоя қилишни, баркамол авлодни тарбиялашни давлат аҳамиятига молик вазифа даражасига кўтарди. Таълим-тарбияни, маданият ва спортни, тиббий хизматни ислоҳ қилди ва бундай улкан қамровли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номлангани ҳам фикримиз далилидир.



Фото: Носир Хайдаров

**СУРАТДА:** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, стол тенниси бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Саидқиром Бурхонхўжаев оиласининг спортга қизиқиши катта. Ўзи сингари фарзандлари — Саида, Нодира, Шаҳноза Бурхонхўжаевалар ҳам стол тенниси бўйича бир неча халқаро ва республика турнирлари қолиби бўлишган. Энг муҳими, мазкур оила спортга бўлган иштиёқи билан маҳалладошлари — «Кичик Шайхонтоҳур» маҳалласи аҳлига ўрнатиб келмоқда.

Гап баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида кепар экан, яна спорт хусусида тўхталишимизга тўғри келади. Айниқса, болалар спортни ва оилавий спортни ривожлантириш, оммалаштириш тўғрисида қайғуришимиз, илгор тажрибаларга таянишимиз лозим.

Вилоятимиздаги 1075 та фуқаролар йиғинининг 566 тасида спорт майдончалари мавжуд. Қолганлари ўз ҳудудларидаги ўқув

даргоҳлари ва корхоналарнинг спорт мажмуаларидан ўзаро келишув асосида фойдаланиб келишмоқда. Спорт билан шуғулланувчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар йилдан йил яхшиланиб бораётгани боис «Соғ таңда — соғлом ақ», «Юртимиз байроғини балаңд кўтарганлар», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» сингари мусобақа ва кўрик-танловлар қамрови

тобора кенгайиб бораётир. Биргина «Ёз—2009» спорт мусобақаларида 2650 та жамоа, 31300 нафар спортчи қатнашганини, уларнинг сафи «Ёз—2010» бешлашувларида янада ўсишини тасаввур қилсак, соғломлаштириш, чиниқтириш тадбирлари оммавий тус олаётганини тереңроқ англаймиз.

СПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ > [7]


9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## Маънавий поклик ТИМСОЛИ

Азим Тошкентнинг Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўяётган, Хотира китобини varaқлаб урушда ҳалок бўлган жигарғўшасининг номини излаётган ватандошларимизни кузатар эканман, бир саволга жавоб излайман: хотира қандай илохий қудратки, орадан йиллар ўтсада, унутилмайди, кишиларни ҳаётни севишга, ён-атрофингдагиларни қадрлашга ундайди? Хотиранинг маънавий қудрати, инсонни яхшиликка даъват этиши, ўтмишни теран англашга, уни ўрганишга, ижобий хулосалар чиқаришга ва ўз тақдирини, келажакини ана шу хулосаларга таяниб бунёд этишга рағбат уйғотишининг сиринимада?

Шу он қулоқларимга узоқ ўлкаларга халқимизнинг жондан азиз фарзандларини олиб кетаётган поезднинг аламли чинқирини, фақат ёри билан эмас, барча орзу-умидлари билан мангуга хайрлашаётган гудай келинчакнинг аччиқ фарёди эшитилгандай, кўз ўнгимда эса олисларга термулган муррак гўдак, поезд кетидан музтар бўлиб қараб қолган муштипар она киёфаси намоён бўлади...

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР > [8]



Ушбу хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўяётган, Хотира китобини varaқлаб урушда ҳалок бўлган жигарғўшасининг номини излаётган ватандошларимизни кузатар эканман, бир саволга жавоб излайман: хотира қандай илохий қудратки, орадан йиллар ўтсада, унутилмайди, кишиларни ҳаётни севишга, ён-атрофингдагиларни қадрлашга ундайди? Хотиранинг маънавий қудрати, инсонни яхшиликка даъват этиши, ўтмишни теран англашга, уни ўрганишга, ижобий хулосалар чиқаришга ва ўз тақдирини, келажакини ана шу хулосаларга таяниб бунёд этишга рағбат уйғотишининг сиринимада?

ТОМОРҚА —  
ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

## Ҳар қарич ер — маҳалла эътиборида

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ** илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳномалигида оила ва доно сиёсат юритилиб, қишлоқ хўжалигига катта эътибор қаратилди. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида аҳолига қўшимча томорқа майдонлари ажратиб берилди. Аҳолининг томорқалардан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида шахсий хўжаликларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада 2010 йилда сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотларини етиштиришни 30 фоизга кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички истеъмол бозорни тўлдириш ва нарх-навоми 20 фоизгача камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги жорий йилнинг феврал ойидаги баённомаси кўрсатмалари барчамиз учун дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатда кун тартибига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича «Маҳалла» хайрия жамғармаси Хоразм вилояти бўлими томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, айни кунларда ушбу баённомада белгиланган вазифалар юзасидан маҳаллаларда тарбиёт ишларини олиб бораётган.

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН > [3]

«УНИВЕРСИАДА — 2010»

## Катта спорт байрамига ҳозирлик

Айни пайтда Андижон мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келадиган талаба ёшларни кутиб олишга шайланмоқда. Май ойининг учинчи ўн кунлигида бу ерда Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли спорт тизимининг энг масъулиятлиги — «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари республика финал босқичи бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Андижонга 1778 нафар спортчи, 238 нафар мураббий, 154 нафар ҳакам, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва олий ўқув юрғлари вакиллари, жами 2700 нафардан зиёд меҳмонларнинг келиши кутилмоқда.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ > [2]



ҲАФТА МАВЗУСИ

## Жамғарма республика бошқарувида

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида давлат чегарасига туташ маҳаллаларда чегара дахлсизлигини таъминлаш, товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилиши олдини олиш ва бу борада тарбиёт-ташвиқот, тушунтириш ишларини ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур чора-тадбирларга кўра, жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари раисларига республика ҳудудига контрабанда товарлар кириб келишининг олдини олиш, контрабанда билан шуғулланувчи фуқароларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилишида давлат органларига кўмаклашиш вазифа-

лари юканди. Шунингдек, чегарага яқин маҳаллаларда истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида контрабанда ва унинг салбий оқибатлари олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини жалб этган ҳада, аёллар, айниқса, ёш қизлар билан тарбиёт-ташвиқот ишларини изчил йўлга қўйиш заруриги таъкидланди. Аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, чегара посбонлар тузилмаси иш фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, чегараолди ҳудудларида жойлашган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятини ўрганиш каби вазифалар ҳам муҳофиза этилди.

Йиғилишда «Камолот» ёшлар ижтимо-

ий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик битими лойиҳасига тақлифлар тайёрлаш ва мазкур тақлифларда фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлган Яраштириш, Ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти самарасини ошириш бўйича амалга ошириладиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, йиғилишда Халқ таълими вазирига ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан доимий равишда ўтказиб келинаётган спортнинг қўл тўли бўйича «Асалим» фестивалининг низомини тасдиқлаш ва ушбу низомга асосан, мусобақанинг биринчи босқичини жойларда юқори савияда ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Муҳбиримиз

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Юксак маънавият ва етук сиёсий маданият

эгаси бўлган фаол фуқароларни шакллантиришда маҳалла муҳим ўрин тутди

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг моҳиятини тушуниш учун, аввало, давлат ва фуқаролик жамияти тушунчасининг мазмуни, асослари ва вазифаларини англаб олиш керак. Масалга илмий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, мамлакат — давлат ва фуқаролик жамиятидан иборат. Давлат умумжамаиятлик манфаатларини ифодаласа, фуқаролик жамияти индивидларнинг кундалик манфаатларини ўзида акс эттиради.

Фуқаролик жамияти ўз фаолиятини ишонч, ҳуқуқий, ахлоқий ва маънавий меъёрлар, урф-одат, анъаналар воситасида амалга оширади. Унинг асосларини дахлсиз ҳуқуқларга эга, нодавлат ташкилотлари бўлган эркин индивид ташкил қилади. Шу боис, фуқаролик жамияти алоҳида индивид манфаатини ифодалаб, ҳуқуқат фаолияти устидан назорат ўрнатади. Айтиш жоизки, назорат функцияси демократик тамойилларга хос тушунча бўлиб, демократик ҳокимият ҳалқ томонидан шакллантирилишини, назорат қилинишини аниқлатади.

Ҳалқ сайлаш йўли билан ҳокимиятнинг шакллантиришда ва фуқаролик жамияти институтлари воситасида унинг фаолиятини назорат қилиб боради. Агар фуқаролик жамияти ўз назорат функциясини тўлиқ амалга оширса, ҳокимият ҳалқ манфаатларидан келиб чиқиб фаолият олиб боради.

Бутун юртимизда фуқаролик жамияти институтлари ичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиз» мавзусида қилган маърузасида: «Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур», деб таъкидладилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ифодалашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бунинг учун давлат томонидан барча сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилаётган. Эндиликда фуқаролар яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ижтимоий-сиёсий маданиятини юксалтириб бориши, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши лозим.

Фуқаролик позициясининг шаклланиши одамларда жамият ва давлат ҳаётидаги ўзгариш ҳамда янгиланишларга дахлдорлик ҳисси шаклланишига боғлиқ. Бундай нуқтаи назарни шакллантиришда маҳалланинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу масканда маҳалладошлик ёндашуви бўлиб, у бир маҳалла аҳолиси бир-бирига нисбатан бефарқ эмаслигини аниқлатади. Ана шу маҳалладошлик тушунчаси мамлакат аҳолисида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш учун замин яратди.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг мустақамлааниши учун барча сиёсий-ҳуқуқий асослар яратилган. Фуқаролар йиғинлари тизимида ижтимоий-сиёсий фаолият маромида ривожланиб боришини таъминлаш учун сайловларда маҳалла Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига номзод кўрсатиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиши, ҳудудда депутатлар билан электротар ўртасидаги учрашувларни тез-тез уюштириб туриши ҳам муҳимдир.

Кучли фуқаролик жамиятини қуриш учун самарали фаолият юритадиган фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши, фуқароларнинг сиёсий маданияти юксак бўлиши керак. Токи сиёсий маданият юксалмас экан, демократик тузумни барпо этиш осон кечмайди.

Шунинг учун мамлакатимизда аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтиришга, одамлар онига демократик роя ва қадриятларни синдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар давомида аҳоли сиёсий маданиятини ошириш борасида қилинган ишлар натижасида 2009 йилги парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда олдинги сайловларга нисбатан маҳаллалар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирок этди.

Ҳозирги кунга келиб маҳаллалар ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ижтимоий соҳада самарали фаолият юритади. Ана шу маҳалладошлик тушунчаси мамлакат аҳолисида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш учун замин яратди.

несни ривожлантиришдан ташқари, бошқарув идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Дарҳақиқат, маҳалланинг вазифалари орасида назорат функцияси энг асосийларидан бири бўлиб қолиши лозим. Бу борада муҳтарам Президентимиз юқорида зикр этилган маърузасида шундай дейди: «Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустақам хамкорлигини таъминлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак».

Маҳалла шундай ноёб тузилмаки, у одамларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга. Шунинг учун маҳалла фуқаролик жамияти институтлари ичида мукаммал саналади.

Кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепцияси юксак маънавият ва етук сиёсий маданият эгаси бўлган фаол фуқароларни шакллантиришни аниқлатади. Шунинг учун асосий эътибор ёшларнинг маънавий ва сиёсий етуқлигига қаратилиши лозим. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла муносиб ўринга эга бўлиши даркор.

**Ф.НАБИЕВ,**  
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий маркази бош илмий ходими.

РАЁСАТ ЙИГИЛИШИДА:

# Устувор вазифалар муҳокамаси

< [1]

Бундай оилаларга бир бошдан қорамол ҳада қилиш, шу орқали уларнинг моддий шароитларини яхшилаш мақсадида жойларда махсус рўйхат тузилиб, республика бўйича жами 242 та ёш оиллага ҳомийлар маблағидан фойдаланган ҳолда қорамол тарқатилди.

Йиллик иш режада белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш учун ўтган чорак давомида сарфланган 469 миллион сўмнинг 411,2 миллион сўмини ҳомийлар маблағи ташкил этгани олиб бориладиган тадбирот ишлари бесамар кетмаётганидан далолатдир.

Президентимизнинг аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлашга қаратилган қарори, ҳукумат комиссияси, Махсус жамоатчилик кенгаши йиғилишининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш, тиббий кўриқнинг аҳамияти, истамаган ҳомиладорлик ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг ҳамда хотин-қизлар ўртасида турли касалликлар тарқалиши ва улар оқибатларининг олдини олиш юзасидан 25 та семинар, 13390 та учрашув, давра суҳбатлари ва тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилди.

Оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳолини ўрганиш орқали кам таъминланган, тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли, хотин-қизлар, ёшларни аниқлаш ва уларни совомлаштиришда моддий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш бўйича 2835

та тадбир ташкил этилди.

Ёшлар билан ишлаш комиссиялари томонидан жойлардаги меҳнат биржаси бўлимлари, ИИБ, «Қамолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда 25 дан ортиқ меҳнат ярмаркалари ташкил этилди ва 1200 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари фойдали меҳнатга жалб этилди. «Устоз — шогирд» тўғрақарида 25 минг нафардан зиёд ёш, вояга етмаганлар турли касбларни эгаллашмоқда.

Жорий йилда «Маҳалла муруввати» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш ва етказиб бериш бўйича жамғарманинг барча бўлимлари билан шартнома тузилди. Шу асосда, 27,3 миллион сўмлик маҳсулотлар байрамлар муносабати билан кам таъминланган оилаларга, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига тарқатилди.

Умуман олганда, жамғарманинг ҳудудий бўлимлари ва бўлиналарида фаолият юритаётган ходимларнинг иш фаолиятини яхшилаш, уларга шарт-шароитлар яратиш масалалари доимий эътиборда турибди.

Шунингдек, йиғилишда жамғарма бўлимлари томонидан иш режа ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликларга танқидий ёндашилиб, келгусида уларни тақрирлаш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга, маънавий-маърифий тадбирлар қўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Йиғилиш сўнгида кун тартибидagi масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.  
**Мухбиримиз**

## Республикамиз маҳаллаларида

### Пахтаободликлар биринчи

АНДИЖОН вилоятидаги қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси йил сайин ўзгариб бормоқда. Бунда «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!» шиори остида ўтказилаётган кўрик-танловнинг аҳамияти катта бўлаётган. Эрта баҳордан бошланиб йил якунигача давом этадиган мазкур танловнинг барча босқичларида маҳаллалардаги ҳар бир хонадон фаол иштирок этди.

Яқинда вилоят ҳокимиятида ушбу кўрик-танловнинг 2009 йил якуналарига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳакамлар ҳайъатининг тавсиясига

асосан, бунёдкорлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларида илғорлик қилиб келаётган Пахтаобод тумани танаов роилиби деб топилди ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган ўн миллион сўм пул мукофотига эга бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган Балиқчи туманига етти миллион, учинчи ўринни қўлга киритган Булоқбоши ва Хўжаобод туманларига эса тўрт миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

**Узоқбой САКСОНБОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

### Ёшлар — гиёҳвандликка қарши

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Деҳқонобод туманида «Барқамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ҳуқуқ-тарғибот, тиббиёт, таълим, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идоралари ходимлари ва маҳалла оқсоқоллари, шунингдек, ўқувчи ёшлар иш-

тирок этилди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари хусусида, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот-таъшиқот ишларини янада жонлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолишдан ҳимоялаш ва бу жирканч иллатнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Абдуқамом БЕККАМОВ**

### «Гулла, яшна, маҳаллам»

ПОЙТАХТИМИЗнинг Чилонзор туманидаги «Баҳористон» маҳалласида «Гулла, яшна, маҳаллам» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда маҳалла аҳли, кўшнни маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этишди.

«Баҳористон» тумандаги энг обод маҳаллалардан бири. Маҳалла аҳлининг аҳли ва иноқини туфайли барча тадбирлар, байрам шодияналари, тўй ва маъракалар тартибли, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтади.

— Маҳалламиз аҳолиси, асосан, кўпқаватли уйларида яшайди, — дейди маҳалла фаоли Баҳодир Ибрагимов. — Мустақилликка эришганимизга қадар

кўпқаватли уйларида яшайдиганларнинг кўпчилиги ён қўшнисини ҳам танимас эди. Истиклол туфайли маҳаллаларнинг роли ортиб, байрам ва тўйларни биргаликда ўтказишдек отабобларимиз анъанаси тикланди. Бугунги тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам бир пиёла чой устида маҳалладаги муаммоларни муҳокама этиш, уни янада кўркамлаштириш ҳақида суҳбатлашиш эди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга ҳалим тортиди. Таниқли ва ҳаваскор хонандаларнинг куй-қўшиқлари тадбирга файз бағишлади.

**Ҳилола АБДУРАҲМОҶОВА**

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

# Бирдамлик — муваффақиятлар гарови

Ташкент вилояти Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоғидаги «Ўнқўрғон-1» маҳалласи аҳли ҳамжихатликда қўллаб-қўйиб ишларни амалга оширишга. Биргина ҳудуддаги маҳалла гузарининг замонавий шаклда бунёд этилгани ўнқўрғонликларнинг бирдамлигидан далолатдир.

— Маҳалламиз маркази ҳашар йўли билан қурилган, — дейди йигин раиси Ақром Кенжаев. — Айни пайт бу ерда таъмирлаш ишлари давом эттириляётган. Бунда маҳалла фаоллари билан бир қаторда, ҳомийлар, тадбиркорларнинг ҳам хиссаси катта бўлмоқда. Улар хоналарни жиҳозлашда, зарур асбоб-ускуналар, алоқа хизматлари, адабиётлар, ўқув-қўлланмалар билан таъминлашда ўз ҳимматларини ашмайди. Маҳалламиз аҳли ўзаро аҳил. Эришган муваффақиятларимиз, хайрли ишларимиз маҳалладошлар орасидаги аҳиллик, бирдамлик, ҳамфайрлик самараси, деб ўйлайман.



Фото-Носир Ҳайдаров

Дарҳақиқат, маҳалла гузаридagi ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини атроф-муҳит тозаланини кўриб дил яйради. Шунингдек, йигин мутасадди-ларининг иш суръатини ошириш, фаолиятини янада жонлантириш мақсадида яратилган қўлайликлару шарт-шароитлар шак-шубҳасиз ўз натижасини бер-

япти. Чунки, кенг мажлислар заида турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилса, нурунийларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун шинам хона ажратилган.

**Р.ШЕРҚУЛОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

«УНИВЕРСИДА — 2010»

# Катта спорт байрамига ҳозирлик

< [1]

Андижон мустақиллик йилларида чирой очди, вилоят марказининг янги шаҳар қисми деярли қайта қурилди. Бобур шоҳқўчасининг темир йўл шохбегатидан жанубга қараб шаҳар четигача бўлган қисмида икки, уч қаватли замонавий бинолар қад кўтарди. Бобур номидаги майдон меҳмонларни кутиб оладиган кутлуғ манзил кўринишини олди.

Эски шаҳар қисмида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Энг сўнги шаҳарозалик намуналари асосида бунёд этилган маҳобатли «Ёшлар маркази» бутун водий ёшларининг фаҳрига айланди. Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғининг кун ботиш томонидаги Комил Яшан кўчаси икки-уч йил ичида таниб бўлмас даражада кўркамлашди. Шаҳарнинг бошқа мавзелари ва кўчаларида ҳам ана шундай яшарини ва янгиланишларни кузатишимиз мумкин.

Халқимизнинг азалий одатига кўра, меҳмонларни кутиб олишга астойдил ҳозирлик қўрилади. Республика мусобақа-

лари ўтказилаётган 31 та объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига 3,3 миллиард сўм маблағ сарфланиши белгиланган. Шу кунгача ушбу объектларда асосий ишлар ниҳоятга етказилмоқда. Уларнинг ўн утаси меҳмонларни кутиб олишга шай. Андижон футбол академияси, Андижон Давлат университети, тиббиёт, тиллар педагогика институтлари, олимпия захиралари, ахборот технологиялари коллежларида, 30-умумтаълим мактаби ва финал мусобақалар ўтадиган бошқа спорт майдонларида ҳам қизгин ҳозирлик кўриломоқда. «Универсида — 2010»нинг тағанаи очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилаётган «Соғлом авлод» ўйингоҳида ҳам тайёрлик ишлари авжда. Беш минг нафар талаба иштирок этиши мўлжалланаётган бу маросимларнинг сценарийси бўйича ижодий гуруҳлар иш олиб бормоқдалар.

Андижондаги бешта олий ўқув юртининг спортчи ёшлари ҳам финал мусобақаларига жиддий тайёрлик кўрмоқда. Мусобақаларнинг йил бошида бўлиб ўтган вилоят босқичида 800 нафардан зиёд спорт-



чи иштирок этди. АДУ вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят терма жамоасининг асосини ташкил этди. Спортчилар шу кунларда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида астойдил тайёрлик кўрмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Андижон шу кунларда катта спорт байрами арафасида турибди.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

### Интерфаол усулида

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Бухоро минтақавий ахборот таҳли маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви ҳамкорлигида «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари муаммолар, усуллар, кадрлар салоҳияти» мавзусида интерфаол усулида семинар ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ижросининг самарадорлиги борасида жойлардаги экспертлар фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов механизминини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат эди.

Семинарда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти марказий ашарати масъул ходими Эътибор Холова маъруза қилиб, маҳалланинг жамият бошқарувида тугган ўрни, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маслаҳатчиларининг вазифалари хусусида гапирди.

Шундан сўнг, семинар иштирокчилари интерфаол усулида гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини баён этишди.

**Мухбиримиз**

**У.САКСОНБОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Электрон ҳамён — қулай ва фойдали

МАМАКАТИМИЗДА пул муомаласи тизimini такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни раббатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмақда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизimini ривожлантиришни раббатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуриямал бўлмақда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари томонидан ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмақда. Жумладан, пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банккоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохталаштириш ҳамда фирибгарликларни истисно этилган қўшимча чора-тадбирлар кўрилмақда.

Қарорга асосан белгиланган тартибда тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва боғхона тўловларни тўлашда берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхати кенгайтирилди.

Аҳолига қўлайлик яратиш мақсидида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими ва ундан фойдаланиш кўлами янада орттиришга хизмат қилмақда. Муомаладаги пластик карточкалар сони тобора кўпаймақда, қишлоқларда пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш учун зарур шарт-шароит яратилмақда. Аҳолининг ушбу тўлов

воситасига бўлган қизиқиши, унинг қулай ва фойдали эканлигига ишончи ортмақда.

Очиқ акциядорлик-тижорат «Микрокредитбанк»нинг пластик карточкалар эмиссияси ва ҳисоб-китобларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Отабек Мирсоатовнинг айтишича, айни кунгача мазкур банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар қарийб 180 мингта, жойларда ўрнатилган терминаллар сони эса 3722 донага етган. Утган йилнинг шу давридагига таққосланганда, пластик карточкалар сони 25 фоиз, терминаллар 180 фоиз ўсган.

«Микрокредитбанк»нинг асосий терминаллари савдо шохбчаларига, банк филиал ва жамғарма кассалари ҳамда мини-банкларига ўрнатилган. Қолган қисми турвун савдо ташкилотлари, автомобилларга ёнига қўйиш ҳамда бошқа пулик хизмат кўрсатиш шохбчаларига қўйилган. 2011 йилга қадар жойларда мазкур банкнинг 2181 терминали ўрнатилиши режалаштирилган. Унинг 72 фоизи қишлоқ жойлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан ўрин олади.

Пластик карточка эгаларининг ҳисоб рақамидида қолдиқ суммага Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фоиз тўланади. «Микрокредитбанк»да жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банк томонидан жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидида қолдиқ суммага 418 миллион сўм фоиз даромад тўлангани бунинг далилидир.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган уч ойида «Микрокредитбанк» пластик карточкалари ҳисоб рақамларига қарийб 56 миллиард сўм ўтказилган. Бу 2009 йилнинг шу давридагидан тўрт баравар кўпдир. Банкнинг 63 фоиз пластик карточкаси тури мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳиссасига тўғри келади.

2009 йилда халқаро тўлов тизимига аъзо бўлган «Микрокредитбанк»да айни кунларда халқаро тўлов карточкаларини муомалага чиқариш, миқдорларга қўшимча қўлайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмақда.

Холмурод САЛИМОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Ҳар қарич ер — маҳалла эътиборида

< [1]



фото - Носир Хайдаров

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, озиқ-овқат мўл-кўчилигини таъминлашда сабзавот, картошка, помидор, полиз экивларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитидан келиб экиш ҳосил салмоғини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга омил бўлаётди. Жумладан, Урганч туманидаги Гайбу, Коромон қишлоқлари хонадонларидаги томорқа ерларида помидор, қарам, бодринг, Хива туманидаги Шомохулум, Саёт қишлоқларида пиёз, сабзи, турп, картошка, Хонқа туманидаги Оложа қишлоғида помидор, қарам, сабзи, болгар қалампир, ҳар хил кўкатлар, Янгибозор туманидаги Бўзқалъа, Чуболончи қишлоқларида полиз экивлари, Хазорасп туманидаги Карвак қишлоғи ҳудудига мева, Ботот туманидаги Деҳқонбозор, Хитой, Қораёнтоқ қишлоқлари ҳудудларидаги томорқаларда узум етиштириш йўлга қўйилган.

Урганч—Хива йўлидан бориб, Коромон қишлоғи томон бурилсангиз, кўркам бинолар уларга туташ томорқалардаги пленка тортиб қўйилган иссиқхоналарга кўзингиз тушади. Улардан бири пенсияер Мадридбой Матчанов оиласига қарашли. Иссиқхона туғайли бу оила ўз томорқасидан йил бўйи ҳосил олишни йўлга қўйди. М.Матчанов нафақат боғчалари, балки қўшнилари учун ҳам қишнинг ёзиги қалолатли иш ўринлари яратди. У иссиқхонанинг ҳар минг квадрат метри ҳисобига йилига 10 миллион сўм атрофида даромад қилайти. Утган йили оиланинг томорқадан олган жами даромади қарийб 40 миллион сўмни ташкил этди. Қишлоқда истиқомат қилаётган Зарилбой Тоҳиров, Илҳом Тоҳиров, Эркин Бекчанов, Худайберган Рўзметов хонадонлари томорқаларидаги иссиқхоналарда ҳам эртаги сабзавот ва турли хил кўкатлар етиштирилмақда.

Ҳозирда қишлоқда деҳқончилик қилинаётган ёпиқ майдонларнинг жами саҳни 20 гектарга яқинлашиб қолгани назарда тутилса, коромонлик миришкорлар озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўчилигини таъминлашга қўшаётган ҳиссасининг «самоғи» аён бўлади. Кейинги йилларда Урганч туманидаги Чаққашлик, Юқорибоб, Чондир-

қиёт қишлоқлари ҳудудларида истиқомат қилаётган хонадонлар томорқаларидаги иссиқхоналарда махсус кўпчилик помидор, қарам, болгар қалампир, бақлажон кўчатларини етиштириш йўлга қўйилган. Айни шу кунларда бу кўчатлар қўлаб харид қилиниб, очиқ майдонларга ўтказилмақда. Бу эса, эртаги сабзавот етиштиришни кўпайтириш, бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирибди алоҳида аҳамият касб этди. Мана шундай фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туғайли бозорларимизда нарх-наво юқори эмас.

Аммо очинини айтиш керакки, айрим қишлоқларда томорқа майдонларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида унумдор ерларни бегона ўтлар босиб, яроқсиз ҳолга келиб қолмақда. Томорқаларда экинлар ҳосилдорлиги қаматилгани туғайли мош, лавия аввалгига нисбатан қимматлашди. Сариқсақ пиёз ва бошқа тур маҳсулотлар нарҳида ҳам ўсиш кузатилмақда. Томорқа ерларидан унумли фойдаланишга белгиланган, можайд муносабатда бўлиш ўзини ўзи адаш, деган гап. Ахир, ота-

боболаримиз азал-азалдан ҳар қарич ерни муқаддас билишган, ҳар сиким тупроқни кўзларига тўтиё қилишган.

Мевали дарахтлар атрофига, йўл ва ариқлар бўйларига, далалар чеккаларига қорамолларнинг наслини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишди.

Бунинг учун барча шахсий ердამчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида ситир ва таналарни сунтий урувлантириш тизimini йўлга қўйиш керак. Бу ишларни амалга ошириш учун бутунги кунда вилоятимизда 68 та зооветеринария шохбаси, 45 та сунтий урувлантириш пункти ва 30 та сунтий урувлантириш пунктлари ишлаб турибди.

Кўпгина маҳаллалар паррандачиликни

ривожлантиришда ибратли тажрибалар тўплаган. Ботот тумани марказидаги «Нуррашнов» маҳалласида яшовчи Рашид ака Собировнинг хонадонидан бундан икки йил муқаддам паррандачилик борасидаги фаолиятини 20 та жўжа парвариши билан бошлаган эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони 200 тага етди. Шу туғайли хонадон эгалари ҳар ойда ярим миллион сўмдан зиёд даромад қилмақда. Вилоят бўйича бу йил аҳоли хонадонларига 60 мингта жўжани бепул тарқатиш бўйича бошланган ишлар тез орада поёнига етади.

Бугунги кунда барча соҳалар, хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фуқаролар йиғинлари фаолларининг саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш бўйича маҳаллалараро мусобақалар ташкил этиш ва роилбарини раббатлантириб бориш чора-тадбирлари белгиланди.

Рустам ҚУТАЙМУРОВОВ,  
Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси.

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОПАДИ

Ҳеч ким норози бўлиб кетмасин

— дейди маҳалла раиси Моҳира Тошева.

БУХОРО шаҳридаги «Шайхул олам» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаро Матлаб Иноятова суддан хат келди. Унда ёзилганча, М.Иноятова иссиқлик манбаи ташкилотига 500 минг сўм миқдорда коммунал тўловларни амалга оширмаган. Даввогар эса айнан ўша корхона эди. Аслида Матлаб қарздорликни ёмон кўради. Аммо ўтган мавсумда иссиқ сув таъминотида узлуксиз узалиш бўлган, у тўловни бажаришдан бош тортганди. Бутун хатни олган, судма-суд юриб овера бўлмагани, ўша ярим миллионни тўлаб қутилсам-чи, деган ўйга борди. Бироқ ўтган қиш кунлари фарзақдаларининг иссиқлик таъминотисиз совуқдан дийдираганлари кўз олдига келиб, бу қароридан воз кечди. Бундай пайтда кўпчилик ёрдам сўраб, аввало, маҳалла эътиборига қоқди.

М.Тошевнинг таъкидлашича, ҳудудда, айниқса, ишсизлик муаммосини бартараф этишда ўзига хос тажриба тўпланган. Биргина тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш ва «Устоз — шогирд» ағналарининг давом этириш орқали бутун Меҳри Сафарова, Назира Аббосова, Рустам Мамедов сингари ўнлаб тадбиркорлар раҳбарлигида юз нафардан зиёд аҳоли фойдали меҳнатга жалб этилди. Бундан ташқари, бевосита маҳалла аралашуви билан 15 нафар киши корхоналарга ишга жойлаштирилди.

Маҳалладан ҳеч ким норози бўлиб чиқмаслиги лозим. Негаки, аҳоли бу оstonага айрича умид билан қадам босади. Шу боис, кишиларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб, ечим топиш бизнинг вазифамиз. Таъкидлаш ўринлики, сунгги йилларда маҳалланинг ҳаракат чегараси ҳам, таъсир доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Чунотчи, ав-

валлари фақат эр-хотин, қўшниларни яраштириш, ободонлаштириш сингари масалалар билан шуғулланган бўлсак, бутун юқорида қайд этилганидек, йирик қўламадаги ижтимоий муаммоларни ҳам бартараф этишга ҳаракат қилаймиз.

Айни пайтда маҳаллада яна бир муаммо ҳал этилиш арафасида турибди. Бир неча йиллардан буён ҳудуддаги болалар майдончаси ҳувилаб ётар, болалар тошдан «дарвоза» қилиб, ўзларича футбол ўйнашарди. Аҳолининг маҳаллага мурожаатидан сўнг «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинимаси томонидан майдончани жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Энди болалар учун бу майдончада футбол, волейбол, баскетбол ўйнайлар, енгил атлетика учун зарур спорт ағзалари ўрнатилди. Бу эса, Баркамол авлод йилида ёшларимизга ўзига хос совға.

Ақбар РУСТАМОВ,  
«Mahalla» мухбири.

ОИЛА БИЗНЕСИ

Ҳамқишлоқларга ўрناق хонадон

Бутун Ўзбекистонимиз шаҳар ва қишлоқларини кезар экансиз, ажиб бир тароват — яшилликни кўриб кўзингиз қувонади. Айниқса, қишлоқларда чаман бўлиб гуллаган боғлар, далаларда яшнаб ўсаётган бўғдой-майсалар, кундан-кунга буй чўзаётган иккиқабатли қунақлар бобо деҳқоннинг юксак ниятларию ғайратидан далолат бериб турибди. Қишлоқ хонадонларига кирсангиз, қайфиятнинг янада кўтарилди. Ҳар бир оила ўзи учун, орттани бозорда сотиш учун турли сабзавот ва резаворларни парваришлмақда.

Абдураззоқовларни бизнинг маҳаллаимиздагина эмас, балки бутун туманимизда яхши танийдилар, — дейди Шаҳрихон туманидаги «Бешмаҳалла» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Назиржон Мамақулов. — Чунки бу оила аъзолари ҳар йили тадбиркорлик билан иш юритиб, икки-уч миллион сўмдан ошириб даромад олади. Томорқада, иссиқхонада етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзларининг «Дамас» машинасида туман бозорига етказиб беради.

Ака-ука Турсунбой ва Илҳомжон

яшайдиган бу хонадоннинг 35 сотих томорқаси бор. Ҳовлига кириб келган кишининг нигоҳи сўриларга нодалари яхшилаб тараб қўйилган тоқларга тушади. Дастлабки хомтақдан чиқарилиб, ҳосили кўзга кўриниб қолган тоқларнинг ривож яхши. 60 туспа яқин узумдан оила йилига бир миллион сўмга яқин даромад олади. 10 сотих жойдаги иссиқхонада қишда лимон, зирavorлар, баҳорда кўчат етиштирилади. Бу йил ҳам минглаб эртатишлар, серҳосил помидор, буғор қалампир, аччиқ қалампир ва бодринг кўчатлари бозорда аҳолига сотилади.

Далага экилган помидор ва бодринг мева тутта бошлаган. Шунингдек, оила эътижи учун сабзи, пиёз, картошка ва зирavorлар парваришланмақда. Олма, гилос, ўрик, беҳи, анжир ва хурмо дарахтлари, экинларга соя солмайдиган қилиб, ҳовлининг четларига экилган. Сариеғ, қаймоқ, сут-қатик, гўшт, тухум ҳам хонадоннинг кичиқ чорва хўжалигида икки бош соғин ситир, уч бош бузоқ, бир бош новвос, ўн бош қўй, 20 та товуқ ва куркалар, 30 дан зиёд қуён парваришланди.

— Бизнинг хонадонда бекорчи йўқ, — дейди оила бошлиғи Турсунбой Абдураззоқов. — Аёллар уй-рўзгор ишларидан ортиб, чорвага қарашади. Биз катталар болалар билан экинларни парваришлаймиз, дала томорқамизда шол иштиптириб, оиламизни гуруч билан таъминлаймиз. Тегирмонимизда қишлоқдошларимизнинг бутдойини ун қилиб берамиз. Ортиқча маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқиб сотамиз.

Шаҳрихон туманидаги қўлаб хонадонларда бутун ана шундай ибратли ишларни кўришимиз мумкин. Тумандаги 75 та маҳалла фуқаролар йиғинлари учун йилга жидлар ташкил этилган. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинимаси ана шу жидлардаги маълумотларни янгилаб туради. Йили раҳбарлари, фаоллар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи идораларнинг мутахассислари бу масалада шахсий томорқа эгаларига зарур ёрдамларни кўрсатади. Хонадонларга маҳаллий ўғит, зараркунақдаларга қарши кураш воситалари етказиб берилмақда.

У.САКОНБОВ,  
«Mahalla» мухбири.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Сариштали жойнинг фариштаси бўлади

Атроф-муҳитнинг, кўчаларнинг тозаллиги, хонадонлар саранжом-саришталиги киши саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, ҳудуд ободлиги, кўркамчилиги ҳам таъминлайди. Бу борада пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласи мутасаддилари томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

— Озодалик, аввало, қалбдан бошланади, — дейди маҳалла оқсоқоли Тура Умаров. — Ҳар бир инсон ҳаётда тозалликни, озодалликни ўзига одат қилса, демакки, унинг кўнгли пок, йўли равои, мақсади эзгудир. Маҳалладошларим ўз хонадонлари озодаллигига бефарқ қарашмайди. Бу-

нинг боси шундаки, йиғин фаоллари ҳар бир оилага бирма-бир кириб, ҳудудда осойишталикни таъминлаш, кўча, унинг атрофи, тураржойини санитария метёларарига таъсир борасида тарбиёт-таъвиқот ишлари олиб боришади.

Айтиш жоизки, бутун маҳаллаларда тозалликни сақлаш ишларида, қолаверса, ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот, маъиний хизмат кўрсатиш шохбчалари, савдо муассасаларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари юқори савияда бўлишида ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг нуқсонсиз амалга оширилишида йиғин фаолларининг тегишли ташкилотлар устидан ўрнатган жамоатчилик назорати қўл келаётди. Бел-

тепалликлар ҳам маҳаллада юзага келаётган айрим муаммоларни айнан жамоатчилик назорати асосида ҳал этишаётди.

Маҳалла оқсоқоли Т.Умаровнинг айтишича, хонадонлардан чиқадиган чиқиндилар махсус идишларга ташланади.

Яқинда маҳалла фаоллари чиқинди қутиларининг ўз вақтида олиб чиқиб кетилаётгани, ундан таралаётган ҳид шу атрофда истиқомат қилаётган аҳоли таъбини хира қилаётгани ҳақида гапириб қолди. 5-6 нафар маҳалла фаолни ёнимга олиб, «Махсустранс» корхонасига бордик. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида масала ижобий ҳал этилди. Айни пайтда «Махсустранс» машиналари ҳар куни келиб, тўланган чи-

қиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетяпти. Мабодо, бирор кун машина келмай қолса, дарҳол ташкилот вакиллари, кези келганида хайдовчи билан ҳам боғланиб, сабабини аниқлаймиз ва шунинг натижасига қараб иш кўрамыз.

— Ҳар бир киши ўзи яшаётган жойни, уйини, ҳовлисини тоза тутиши лозим. Тартиб-интизомга, тозалликка риоя қилиш кишидан машаққат талаб этмайди, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Доно Файзиева. — Аввало, озодаллик интилиш ҳар кимнинг кўнлида бўлиши лозим. Бутун йиғин аҳди, айниқса, ёшлар ўртасида олиб берилаётган тозалликка оид тушунтириш ишларимиз ўз самарасини бераётди.

Тажрибамдан биламанки, жамоатчилик назоратига олинган муаммо ечимсиз қолмайди. Шу тарихда маҳаллаимизда бошқа муаммолар ҳам бартараф этилди. Мисол учун, маҳалла ҳудудидидаги айрим симёғочлардаги лампочкалар ёнмагани учун кексалар, аёллар қоронғу тушганда юришга қийналишарди. Бу масала ҳам фаоллар аралашуви, назорати остида ўз вақтида ҳал этилди.

Умуман, маҳаллаимиз муаммоларининг жамоатчилик назоратига олиниши ва ўз вақтида бартараф этилиши аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилмақда.

Раҳим ШЕРКУЛОВ,  
«Mahalla» мухбири.

ОБОД МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎЗГУСИ

Ободонлаштириш — ҳар йили, ҳар куни бажариладиган юмуш

З афаробод қишлоқ фуқаролар йиғини Бағдо тумани марказидан 40 чақирим олиса, Қўқон — Андижон катта магистрал йўлининг қоқ ўртасида жойлашган. Бир замонлар чўл бўлган қишлоқ бутун тамоман янги қиёфа касб этган. Бириндан шинам, чиройли уйлар, мактаб ва бошқа жамоат биноларига кўз ташлаган киши Зафарободни шаҳарчадан фарқламайди. Қишлоқ, айниқса, истиқлол йилларида янада обод, кўркам гўшалардан бирига айланди. Уттан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса Зафарободни ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Кўплаб оилаларда ҳовли тўйларни нишонланди.

Хамжихатликнинг самараларини қишлоқда кўпгина хайрли юмушлар ҳашар йўли билан амалга ошириладиганидан ҳам билса бўлади. Қўқон аймаги — Наврўз арафасида қишлоқ ҳудудидан оқиб ўтувчи сурғиш шоҳобчалари тазалиниб, атрофига турли хил манзарали кўчатлар ўтказилди. Байрам куни ўтказилган хайри марафонидан йилгилан маблағ ҳисобига эса кам таъминланган оилаларга кўмак берилмоқда. "Саминжонов Миржалол" боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги раҳбари Саминжон хожи ота Мирзажонов маҳалладаги кам таъминланган 8 та оилани озик-овқат маҳсулотлари билан йўқлагани бу маҳаллада ҳеч бир оила эътибордан четда қолмаслигидан далолатдир.



Тохир Норзулова (ЎЗА) оёган сурат. Самарқанд туманида яшовчи Бобомурод ва Дилмурод Ҳайдаровлар ота касбини давом эттираётган моҳир ҳунармандлардир. Улар тут, ўрик новдаларидан ясаган, ёғоча нозик дид билан заргарона ишлов берган доира, рубоб, дутор, танбур сингари халқ чолғу асбоблари республика ва халқроқ кўрғазмаларда санъат

кувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш ўша куннинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Зафарободда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида кўзда тутилган режалар ижросини рўйбога чиқариш борасида ҳам бир қатор хайрли ишларга алақадон

иҳсосмандларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Бобомурод ва Дилмурод Ҳайдаровларнинг шоғирдлари Умид ва Баҳодир Низомовлар ҳам маҳорат сирларини мукамал эгаллаб, чолғу асбоблари ясовчи устalar бўлиб етишмоқда. СУРАТДА: чолғу асбоблари ясовчи уста Бобомурод Ҳайдаров.

қўл урилган. Хуллас, бултур "Энг обод қишлоқ" номинацияси бўйича Бағдо туманида биринчиликини эгаллаган зафарободликлар учун 2010 йил ҳам қўлағу келиши аниқ. Азамат МАҲМУДОВ, "Mahalla" мухбири.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ Ибратли фаолият эътирофи

Қоровулбозор туманининг Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумагул Абдуҷалилова Н.Харлошкони 187-сонли милиция таянч пунктига бошлаб келганида аёнинг юзлари кўкарган, қўлларида жароҳат излари кўриниб турарди. Профилактика инспектори Элмурод Рўзиев нима бўлди, дегандек раисга қаради. — Эри Игорь урганмиш, — деди Жумагул опа. — Унинг бундай одати йўқ эди... Элмурод маҳалла аҳлини яхши танийди, қайси уйда жанжал-тўлоон чиқиши мумкинлиги, ким нима иш билан шуғулланиши унга беш қўлдай аён. Аммо Игорь... Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишловчи бу йилгит интизом, жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб турарди. Шу боис, инспектор ҳам бу сўзларга дастлаб ишонмади. — Эрим сиз билган Игорь эмас, — йиғламсираб гап бошлади Н.Харлошкони. — Биламадим, бутун уни нима жин урди? Аввалига, ишдан кеч қайтди. Сабабини сўрасам сенинг нима ийинг бор, деб мени дўпсослади. Илғари ҳам биринки бор ичган, аммо бу даражада талба бўлганини биринчи марта кўришим. Аёнинг кейинги гаплари нозирни хушёр тортирди. У Харлошкони хонадонига отланди. Уй яқинида Игорнинг қўшнлари билан жанжаллашганлигини устидан чиқди... Экспертиза натижалари Элмуроднинг шубҳасини тасдиқлади. Унинг қони текширилганида наркотик модда истеъмол қилгани аниқлашди. Суриштирув натижасида аён бўлишича, Игорь ишдан сўнг Рустам исми киши билан танишиб, ошхонада бирга овқатланган экан. У қолган воқеаларни эслолмаслигини айтди. Эртаси куни Э.Рўзиев ҳуқуқни муҳофазат қилувчи ташкилот ходимлари ҳам қоринида Рустамни қўлга олди. Тергов жараёнида Рустам Игорнинг Нефтни қайта ишлаш заводида ишлашини эшитиб, "ёғлироқ" мижозни қўлга киритиш мақсадида уни оз-оздан тийиб, вандликка ўргатмоқчи бўлганини тан олди. Шунингдек, қўшни туманда яшов-

чи бу кишининг наркотик моддалар савдоси билан анчадан буюн шуғулланиши аниқланди. Инспекторнинг хушбўлиги туфайли келажакда содир бўлиши мумкин бўлган муҳим жиноятнинг олди олинди. Инспектор Элмурод Рўзиев фаолиятида бунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар тез-тез учраб туради. Баъзан оилавий можароларни бартараф этса, баъзан ўғирлик ҳолати билан шуғулланади. — Асосий мақсадимиз жиноятчиликка чек қўйиш, — дейди инспектор Э.Рўзиев. — Шу боис, аҳоли ўртасида тийиб-қўқундилик, диний экстремизмга қарши кураш каби мавзуларда учрашувлар ўтказилади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан ҳудудимизда бунёд этилган спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, маданият уйи ёшларнинг бундай жиноятчиликнинг ташкил этишини муҳим омили бўлмақда. Айтиш керакки, инспектор, аввало, маҳалла билан ҳамкорликда ишламоғи, ҳар бир хонадон, оилга кириб бориб, фуқароларнинг ўй-фикри, орзу-интишларини, муаммоларидан воқиф бўлоғи лозим. Ана шунда жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишини бартараф этиш мумкин. — Элмурод Рўзиев маҳалла ҳаётини яхши биладиган ибратли инспекторлардан, — дейди Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ж.Абдуҷалилова. — Салкам 17 йилдан буюн шу соҳада хизмат қилиб келадиган бу инсон маҳалламиздаги оилалар ҳолидан доимо бохабар. Унинг фаоллиги, профилактик тадбирларни мунтазам ўтказиб бориши туфайли икки йилдирки ҳудудимизда жиноятчилик содир этилмади. Ҳа, ҳалоо ва фидойи меҳнат эътиборис қолмайди. Жорий йил аввалида ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида 187-милиция таянч пункти минтақавий гуруҳда фойлиб, деб топилди, «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди. Акбар РУСТАМОВ, "Mahalla" мухбири.

ОҚСОҚОЛНИНГ БИР КУНИ

Масъулиятни ҳис этиб

КУЧЛИ ШАМОЛ натижасида электр симлари бир-бирига тегиб, трансформаторнинг ишдан чиқишига сабаб бўлди. Қоронғуда ўтиришнинг ўзи бўлмайдди. Ишнини энди бошлаган маҳалла оқсоқоли Бозорбой Султонов юз берган ҳодисадан бохабар бўлган, дарҳол муаммони бартараф этишга киришди. Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги 4-сонли «Хўжайли гўшт» маҳалласида истиқомат қилаётган 7 минг нафардан зиёд аҳолининг мушкулларини осон қилиш мақсадида тезда туман электр тармоқлари бўлимига кўнжирок қилди. Чакирув бўйича этиб келган устлар электр энергиясини узатиш мосламасининг бузилган ускуналарни ўрнига чидамли эҳтиёт қисмларни ўрнатди.

Ийини раиси Бозорбой бундай воқеаларга кўп дуч келган. У доимо маҳалладошлари мушкулларини осон қилишга, муаммоларга ўз вақтида ечим топишга интилади. Ташаббускор оқсоқол сарф-ҳаракати билан ўтган йили кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудни ободонлаштириш бўйича 3 километри асфальт йўл таъмирланди. 1200 метр масофадаги эски газ қувурлари ўрнига янгилари ётқизилди. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ниятида 3100 метрли янги сув қувури тортинди. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида йиғин фаоллари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ишбилармонларни қўлаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиши натижасида олти нафар фуқарога имтиёзли кредит олишга ёрдам кўрсатилди. Маҳалла маркази ҳамда қишлоқ спорт зали замонавий шаклда қайта таъмирланди.

— Ҳашар инсонларни бирдамликка чорлайди, — дейди маҳалла оқсоқоли Б.Султонов. — Шу боис, ақсарият хайрли ва савобли ишларимиз ҳашар орқали адо этилади. Кимнингдир ўй-жойини қуриш ёки таъмирлаш ишларида маҳалла аҳолиси, ёшлари дарҳол бориб ёрдам берилади. Бунда уй қураётган кишининг кам таъминланган ёки ёрдамга муҳтожлигига қараб ўтирилмайдди, албатта. Муҳими, бундай тадбирлар билан инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтириш, ўзаро ҳурмат-иззат туйғуларини шакллантириш, дўсту биродар, қўни-

қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашда ёшларга ўрнак бўлишидир. «Хўжайли гўшт» маҳалласи аҳлининг ҳамжихатчилигини ҳудудда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳашар йўли билан баскетбол, волейбол майдонлари бунёд этилганидан ҳам билса бўлади. Қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилган бу майдонларда шуғулланган йилгит-қизлар ичидан келгусида ҳар томонлама етук, баркамол авлод воқеа етса, унинг айтганича бор, маҳалла оқсоқоли, фарзандлар ҳам анча ёш эди. Шу боис, каттагина оила фақат нафақага кўз тикларди. Ана шунда маҳалла оқсоқоли бошчилигидаги фаоллар гуруҳи келиб унинг кўнглини кўтаргани, моддий қўлаб-қувватлаганини эслади... Бу воқеа Комилжон ака иш бошлаган кезлар — 2001 йили оз берганди. Ҳозир ана шу оила ҳудуддаги энг ибратли тадбиркор оилалардан бири. 9 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилаётган «Дўмбиробод» маҳалласи аҳли уларга ҳавас қилади, тадбиркорлик фаолиятларидан ибрат олишади. Ишчан оқсоқол — маҳалланинг таянчи. Дастлаб жамоадаги юмушларни

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ! Ўзига хос тажрибаси бор

Т енгкур дўстларнинг суҳбати аламаҳаллача давом этди. Раҳимжоннинг масалаҳати Умрзоққа анча таскин берди. Уйлаб қараса, унинг айтганича бор, маҳалла оқсоқоли бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ҳеч эсидан чиқмайди, ўша кезлари соғлиги ёмонлашиб, вақтинча меҳнатга лаяқатсиз бўлиб қолганди. Нафақа эса рўзгор тебратилишга етмаётганди. Аксига олиб, фарзандлар ҳам анча ёш эди. Шу боис, каттагина оила фақат нафақага кўз тикларди. Ана шунда маҳалла оқсоқоли бошчилигидаги фаоллар гуруҳи келиб унинг кўнглини кўтаргани, моддий қўлаб-қувватлаганини эслади... Бу воқеа Комилжон ака иш бошлаган кезлар — 2001 йили оз берганди. Ҳозир ана шу оила ҳудуддаги энг ибратли тадбиркор оилалардан бири. 9 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилаётган «Дўмбиробод» маҳалласи аҳли уларга ҳавас қилади, тадбиркорлик фаолиятларидан ибрат олишади. Ишчан оқсоқол — маҳалланинг таянчи. Дастлаб жамоадаги юмушларни

рўёбга чиқариш осон кечмади. Бир томони, хонадонлар ва кўпқаватли уйларда яшовчиларнинг ҳамкорлиги узилиб қолган, бир-бирини яхши танишмайдилар. Аҳвол ўрганилиб, тадбирлар, турли қизқарали кечалар ва учрашувлар ўтказилиб, одамларнинг боши қовуштирилди. Ҳар бир кўчада, кўпқаватли уйларда ободончилик ишлари амалга оширилиб, ҳашар йўли билан кичик спорт майдончалари қурилди. Бундан ташқари, маҳаллий тадбиркорлар имконияти ўрганилиб, уларга миллий хунармандчиликни шакллантириш учун шартнолар яратилди ва шу йўл орқали вақтинча ишсиз юрганларнинг бандлигини таъминлашга эришилди. Одамларни касб-корга йўналтиришда тегишли ташкилотлар билан истиқболли шартномалар тузилди. Унга қўра, мутахассислар чақирилиб, маҳалла гузарига қисқа муддатли ўқувлар ташкил қилинди. Айни пайтда маҳалла ҳудудда жойлашган юзга яқин савдо тармови, бичиш-тичиш цехлари, дўшқўзалик, дарпарда ва бошқа хунарларга ихтисослашган кичик корхо-

наларда 300 нафардан зиёд ёш фойдали меҳнат қилган банд, Улар қўлда сайқал топаётган бежирим маҳсулотларга харидорлар ҳам етарди. Маҳаллада солом авлодни воёга етказиб, оналик ва болаликни ҳимоялаш, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотганларни ижтимоий муҳофазат қилишга, айниқса, жиддий эътибор қаратилган. Оқсоқол бошчилигидаги фаоллардан иборат гуруҳ аъзолари ҳар куни 5-7 та хонадонга кириб, ютуқлар қатори муаммоларни ҳам ўрганиб чиқишади. Ногирон ва боқувчисини йўқотганларга давлатдан ажратилаётган маблағдан ташқари ҳомийлар ҳам бириктирилганки, улар ҳолидан хабардор бўлиб туриш аънаана айланган. Баркамол авлод йилида маҳалла фаоллари яна бир хайрли ишга қўл уришди: шаҳардаги бир неча килинка ва шифоналар билан шартнома тузиб, тиббий мутахассислари иштирокида аёллар, болалар аломатлиги хонадонларнинг ўзидан ўрганилмоқда. Бу эса аҳоли саломатлигини ҳимоялаш билан бирга вақт-

ни тежашга ҳам имкон бераётир. — Ёшлар бўш қолмаслиги лозим, — дейди маҳалла оқсоқоли Комилжон ака. — Шу боисдан, ҳудуддаги 2 та мактаб ва 2 та майдон бочаси раҳбарлари билан келишиб, тадбирлар ишлаб чиққандилар. Қўшимча соатларда ички ишлар идораларидан, туман прокуратураси ва бошқа ташкилотлардан мутахассислар таклиф қилиниб, ёшлар билан мулоқотлар ўтказилмоқда. Шунингдек, кўчалардаги, кўпқаватли уйлар ёнидаги спорт майдончаларида турли мусобақалар ҳам ўшатирилди. Муҳими, бундай машғулотларга ёшларда иштиёқ кучли. «Дўмбиробод» маҳалласида ижтимоий ҳимоя, ёшлар таълим-тарбияси ва қонуналар, дастурларнинг ҳаётга таъдиқ этилишида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Шу боис, Чилонзор туманидаги маҳаллалар қаторида пойтахтнинг турли гўшаларидан келишган 49 та маҳалла фаоли уларнинг тажрибаларини ўрганишмоқда. Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, журналист.

ОБОД КЎЧА ЭГАЛАРИ

Кўркам, шинам ва ораста

Ун йилдан буюн «Жийдали» маҳалласида кўчабоши сифатида фаолият кўрсатиб келишган. Мена маҳалланинг «Жийдали» ҳамда «Газчилар» кўчалари бириктирилган. Ҳар иккала кўчадаги кўпқаватли ва яқна тартибда қурилган уйларда 7 миллат ва эл вакиллари истиқомат қилади. Жорий йилдан бошлаб ҳудудимизда янги лойиҳа асосида яқна тартибдаги тураржой бинолари қуришга киришади. Шунга қараб аҳоли сони ҳам ошиб бораверади. Ҳаётини таъмирлашдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, маҳаллада кўча бошлиқлари фаолиятга доимо эҳтиёж сезилади. Йиғин оқсоқоли, мастула котиб, масалаҳатчи, профилактика нозир, қолаверса, посбонлар кўмагида иш олиб борадиган кўча бошлиқларнинг ҳам узарига яраша ташвишлари бор. У, аввало, ўзига бириктирилган кўчалардаги аҳоли билан яқин алоқада бўлиш лозим. Уларнинг қўндалик аҳволдан хабардор бўлиб турсагина мав-

жуд муаммолар ечимини топиши осон кечмади. Аҳоли билан ишлашда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаман. Мураккаб масалалар юзасидан фуқаролар ижтимоий қўлаб-қувватлаш ва унинг ийорисига эришгунча тинчмайман. Яқинда кўчамизда газ босими пасайиб, ичимлик суви етказиб беришда узилишлар юзга келганди. Бу ҳақда аҳоли ҳам шикоят билан чиққанди. Зудлик билан «Туман газтаъминот» ҳамда «Сувоқова» корхона раҳбарларига ушбу муаммолар тафсилоти етказилган, кичикликларга барҳам берилади. Таъмирталаб ҳолга келиб қолган кўчаларнинг бир қисмига ҳашар йўли билан шараф етказилди. Ҳозир ҳомийларни жалб этиб, уларни асфальтлаш ишларига тайёрларик кўриляпти. Савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший шоҳобчалар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг иш фаолиятини назорат қилиш вазифаси ҳам

кўчабоши зиммасига юкланган. Бу вазифалар ижросини таъминлаш билан бирга, онда-сонда содир бўлиб турадиган нохуш воқеалар, низоларни ҳал этишда фаоллар масалаҳати асосида иш юритилган. Кўчабоши зиммасига юкланган муҳим вазифалардан яна бири аҳолини ободончилик ва кўламазорлаштириш ишларига жалб этишдан иборатдир. Чунки обод маконда бошланган ҳар қандай ҳаракат ижобий яқун топишига ишонса бўлади. Ҳовлиларни кўркам, кўча-кўйни обод қилишда аҳолининг иштирокини таъминлаш бизга алоҳида масъулият юклайди. Бизда ҳар қарич ер ҳисобда. Аҳоли мавжуд экан майдонлари ва томорқа ерларидан унумли фойдаланиш ҳисобида ҳам катта даромад эгаси бўлиши мумкин. Иссиқхоналарда йил бўйи помидор, бодринг ва лимон еттиштириш йўлга қўйилган. Бундан келаятган даромад аҳолининг турмуши фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Ўзим фермер хўжалигига раислик ҳам қиламан. Пахта ва галладан ташқари, ҳар хил мевалар етиштиришимиз. Эккан тоқларимиз ҳосилга кирди. 2 сотих ерга тут дарахти экканмиз. Топиш-тутишимиз яхши. Оиламиз аъзоларининг асосий қисми шу ерда ишлашади. Уттан йил 8 сотих майдонда етиштирилган помидордан 4,5 миллион сўм соф фойда қўрди. Мевали дарахт ва полиз маҳсулотларини ниҳолларини ҳам парваришлаймиз. Дехқончилик ва боғдорчилик ҳосилдаси эришган ютуқларим кўчамизда истиқомат қилаётган аҳолини дехқончилик билан шуғулланишга ундашимда қўл келаятир. Зеро, кўчабоши аҳолининг хайрли ташаббусларини доимо қўлаб-қувватлаш даркор. Ушунда ишларимиз бундан-да авжли бўлади. Омонкеди БОЛИЕВ, Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги «Жийдали» маҳалласи кўчабошиси.

Қонисбой РЕЙМОВ, "Mahalla" мухбири.

СКРИНИНГ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ

# Зурриёдингиз саломат бўлсин

Скрининг текширувига келини олиб келган Арофат навбат кутаркан, нимадандир хавотирланаётгани юз-күзидан сезиларди. «Ишқилиб, бу сафар ҳаммаси кўнгалдагидек бўлсин, — кўнгалдан ўтказди Арофат. — Бундан икки йил бурун ҳам шу ерга келгандик. Аммо ўшанда...»

— Марҳамат, киришлар. Сизларнинг навбатингиз.

Келини текширувига кириб кетгач Арофат хаёла чўмди. Бундан икки йил олдин ҳам келини ҳомиладор бўлганда ҚВПдаги шифокорларни ҳомила ҳақидаги тиббий текширув натижалари ташвиш солганди. Ўшанда келинини зудлик билан республика скрининг марказига жўнатишди, тиббий текширувлар унинг ҳомиласида нуқсон борлигини кўрсатди. Маълум бўлишича, бунга онадаги касаллик сабаб бўлиб, шифокорлар, ҳомиладорликни тўхтатиш зарур, акс ҳолда онанинг ҳам боланинг ҳам ҳаёти хавф остида қолади, деган хулосага келишди. Шундан сўнг келин анча вақтгача доволанди. Мана, у яна ҳомиладор. ҚВПдаги шифокорлар ҳомиланing нормал ривожланаётганини айтишса-да, Арофат ишонч ҳосил қилиш учун бу ерга келиб ўтирибди...

Шифокордан ҳомиланing соғломлиги, яхши ривожланаётгани, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлигини эшитиб, Арофатнинг кўнгал жойига тушди.

Ўзбекистон Республикасида 1998 йилдан бошлаб болаларда ирсий касалликлар оқибатида келиб чиқадиган ақлий заифликнинг олдини олиш ҳамда ҳомиланing нуқсон билан туғилуш хавфини аниқлаш учун ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида «Она ва бола скрининги» Давлат дастури амалга оширилмоқда. Айни пайтда республикамизнинг барча вилоятларида скрининг марказлари фаолият олиб бормоқда.

Скрининг сўзи «саралаш», деган маънони билдириб, текширувнинг бу тури махсус усулар ёрдамида яширин касалликларни аниқлаш мақсадида ўтказила-

ди. Скрининг марказларининг асосий вазифаси эса ирсий касалликлар билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш, ҳомиланing ривожланиш нуқсонини ёки ногиронликка олиб келувчи касалликлар билан туғилишининг олдини олишдан иборат. Айни пайтда республикамиздаги скрининг марказлари юқори технологияли тиббий жиҳозлар, маалака кадрларга эга бўлиб, янги туғилган чақалоқларни туғма касалликларга қарши оммавий скрининг ўтказиш, туғруқдача бўлган даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонини аниқлаш, ирсий ва туғма касалликлар билан туғилганларга ва шундай фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар бериш бўйича фаолият олиб бормоқда.

— Йилга дунёда 10-15 миллион бола ирсий ва туғма касалликлар билан туғилади, — дейди республика скрининг маркази шифокор-генетики Муҳаммадjon Босимов. — Бунга, аввало, аτροφ-мухит инфлосланиши, қариндошлар ўртасидаги никоҳ сабаб бўлмоқда. Скрининг марказлар айнан шундай ҳолатларнинг баргараф этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Скрининг марказларда текширувлар маълум бир муддатда — ҳомиладорликнинг 14-ҳафтасидан 20-ҳафтасигача ўтказилиши мақсада мувофиқ. Шу давр ичда ҳомиланing нормал ёки нуқсонли ривожланаётганини аниқлаш мумкин бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида тарбиёт-ташвиқот ишларини олиб боришнинг самараси ҳам катта. Масалан, яқинда Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласида ўтказган «Зурриёдингиз соғлом бўлсин», деб номланган давра суҳбатинида аҳоли, айниқса, аёллар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Юртимизда соғлом авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш, воляга етказишга оид қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2008 йил 18 июнда Президентимиз қарори билан «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш тўғрисида Давлат дастури» қабул қилин-



Фото-Носир Хайдаров

ган. Мазкур қарор «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармасининг фаол иштирокида 2008 — 2012 йиллар мобайнида республикада тиббий-генетик хизматни янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, аҳоли ўртасида ирсий ва туғма касалликлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш, скрининг марказларининг моддий-техник асосини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Жорий йилда мазкур марказлар қўшимча 13 та замонавий ултраовуш аппаратлари билан жиҳозланади.

Фарзандини бағрига босиб эркалаёт-

ган, оналикнинг масрур оналаридан баҳраманда бўлаётган аёлни кўзларига разм солганмиёки? Бу кўзларда оналик бахти, фарзандининг ойдin келажигига ишонч ҳисси, шу тинч ва осуда замонамиздан миннатдорлик барқ уради. Оналари бахтиёр, фарзандлари соғлом юрда эса фойз-баракка, куч-қудрат доимо барқарор-ларнинг моддий-техник асосини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Жорий йилда мазкур марказлар қўшимча 13 та замонавий ултраовуш аппаратлари билан жиҳозланади.

**Ю.ҲОЖИЕВА,**  
**«Mahalla» мухбири,**  
**Умиджон НИЁЗОВ.**

КЎРИК-ТАНЛОВ ГОЛИБИ

# Ишда фаол, тарғиботда етакчи

«БАРЧА эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажигини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи туради», деган эди Юртобшимиз.

Мамлакатимиз раҳбари орзу қилган баркамол авлодни тарбиялашдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш ва уларни ҳаётга табиқ этишда таълим муассасаларининг ўрни беҳисоб. Тошкент шаҳар Сергели тумани «Гулистон» маҳалласида яшовчи 7225 нафар аҳолининг 3010 нафарини воляга етмаган ёшлар ташкил этади. Яқинда маҳалла ҳудудида жойлашган 300-ихтисослаштирилган мактабда бўлиб, бу ерда фуқаролар йиғини мутасаддилари кўмагида ёшлар тарбияси борасида амалга оширилётган ишлар билан танишдик. Таъкидлаш жоизки, таълим масканида ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, танлаган касбининг етуқ мутахассиси бўлиб етиштириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

— Ўқув режасидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда таълим жараёнида ахборот ва янги педагогик технологияларни жорий этиш, болалар спортини янада ривожлантириш, иқтидорини ва қобилиятини ёшларни рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича амалий ишлар қилиништи, — дейди мактаб директорининг ўринбосари Малика Абдуллаева. — Таъкидлаш керакки, фарзандларимиз илк тарбияни онада ота-онадан, одоб-ахлоқ ва каттага ҳурмат, қичка иззат туғилуларини маҳаллада отахону онахонлардан, фаоллардан ўрнади. Уларнинг ҳаётда ўз йўларини топиб кетишларида ҳам фуқаролар йиғини фаолларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, оилалар, йиғин мутасаддиларининг кўмаги билан ўқув даргоҳимиз қошида ташкил этилган «Оила-маҳалла-мактаб» кон-

цепцияси, ҳудуддаги касб-ҳунар тўғрақлари фарзандларимиз камолида алоҳида ўрин тутаяди. Қомиа фарзандлар эса нафақат ота-онанинг, балки маҳалла-кўйнинг ҳам фахри, фуруридир.

Малика опанинг ва фуқаролар йиғини фаолларининг ташаббуси билан ҳудуддаги тиббиёт муассасалари ходимлари кўмагида ҳар томонлама баркамол авлодни воляга етказиш мақсадида мактаб ўқувчиларни мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиб турилибди. Бундан ташқари, яқинда боғча ёшдаги болалар учун янгидан болалар майдончаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ҳафтада икки марта йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.Хуббиева иштирокида тарбиявий аҳамиятга молик, миллий қадриятларимиз тарғиботига доир қизиқарли суҳбатлар ўтказиб турилади.

Хуллас, «Гулистон» маҳалласида баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Бу ишга меҳнатқаш, ёшун қарига бирдек меҳрибон, тажрибали мураббий Малика Абдуллаева доимо бош-қош. У эзгу ишлардаги ҳиссаси, меҳнатларининг самараси ўлароқ, жорий йилда «Йилнинг энг фаол маънавий тарғиботчиси» республика кўрик-танловида қатнашиб, республика Маънавий тарғибот маркази йўналиши бўйича волиб деб топилди.

Ҳозир Малика Абдуллаеванинг кичик бизнесни ривожлантириш, ёшларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш борасидаги иш режаси қўлбал мактабларга етиб борган. Ҳатто вилоятлардаги мактабларда ҳам бу режа ўқитувчилар учун дастур вазифасини бажармоқда. Малика опанинг ағона орузси мамлакатимиз мактабларидаги, маҳаллаларидаги ҳар бир ёшнинг интеллектуал қобилиятини юзага чиқаришга ўз ҳиссасини қўшишди.

**Қиёмдин АҲМЕДОВ**

МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

# Оилاداги низоларнинг сабаблари

кати, гапида зарфа, киноя, менсимаслик аломатлари сезилиб турар эди. Овқатлаиб бўлган Анваржон Манзуранинг олдида кириб: «Дастурхонни йиғштириб қўйиш ярасизми?», деса, бу Манзуранинг қалбига санчилаган ханжар эмасми!

Бунинг ўрнига Анваржон ҳар кун хурсанд ҳолда табасум билан кутиб оладиган турмуш ўртоғининг ахволини кўриб: «И, нима бўлди? Ёнинг, безовта бўлманг. Дойи ичдингизми? Овқатландингизми?», деб ҳол-ахвол сўраб қўйса, Манзура касалини ҳам унутди. Турмуш ўртоғининг келишига овқат қилиб қўйолмаганидан хижолат бўлади. Бу билан Анваржон ўз турмуш ўртоғини ширин сўзи, қалб меҳри билан довлатади. Энди Манзура эрининг келишига бир эмас, икки хил овқат тайёрлайди. Меҳрибон турмуш ўртоғи борлигидан, толеидан хурсанд бўлади.

**«Мустақам оила — маҳалла таянчи» китобидан.**

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

# Оналар соғлиги муҳофазада

ни дангал айтиди-қўйди: — Мен Саодатга фарзандларимиз бор, худого шукр, энди туғмай қўяқол дегандим, бироқ унамади. Янги уйга кўчиб келдик, туғмасам бўлмайди, деб туриб олди. Шу бугуноқ касалхонага ётқизаман.

— Опа, олдингизга бораётган эдик, — деди Дилфуза, — Саодатнигина ўтмасак бўлмайди, у зудлик билан касалхонага ётиши керак.

— Ўзим ҳам сизлар билан шу ҳақда гаплашмоқчи бўлиб туривадим, — деди Меҳрихон.

Улар Саодатнигина боришганида уйда унинг турмуш ўртоғи ҳам бор экан.

— Саодат, кеча шифохонага ётишингиз керак эди-ку, оёқларингиз шилшган, устига-устак бўқонингиз ҳам бор, — деди Дилфуза.

Учала аёлни жон куйдираётганини кўриб Саодатнинг турмуш ўртоғи бор гап-гап билан бафуржа суҳбат ўтказамиз. ҚВП бош шифокори Музроп Холмирзаевнинг раҳбарлигида тиббиёт ходимлари белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб боришади. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда ҳам биргаликда ҳаракат қилишимиз. Саодат Турсунбоева ҳақида тўхталадиган бўлсак, уни туғруққа қадар 2 марта довлалаш учун ётқиздик. Қиз кўрди. Сўнгра ихтиёрий жарроҳлик йўли билан қайта ҳомиладор бўлмайдиган бўлди. Бироқ тарбиёт-ташвиқот ишларимиз қийин кечган пайтлар ҳам учрайди. Ҳамма ҳам ўзи учун фойдали масалаҳатини тўри тушунавермайди. Шундай ҳолларда раисимиз Бейсенгул опанинг ёрдамига таянамиз.

Ҳа, фуқаролар йиғини раис Бейсенгул Жолтоева қатъий, ғайратли, айни пайтда саховатли аёл. У йиғин раиси бўлиш билан бирга, «Умид» фермер хўжалиги раҳбари ҳам. Даромаддан кўп эзгу ишларга кўмаклашади, лекин мактаб-тинини ёқтирмайди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, раислари, посбону маслаҳатчилар фаолиятини тўғри йўналтириб, назорат қилиб боради.

Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш борасидаги ҳаракатлар бесама кетма-япти. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳомиладор аёлларни рўйхатга олиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қаймади. 160 нафар хотин-қизнинг соғлиғи улратувуш ашартида текширилди. 3 та мактабдаги 305 нафар, коллеждаги 105 нафар ўсмир қиз тиббий кўриқдан ўтказилди.

М.Қурбонова фаолият олиб бораётган маҳаллага бириктирилган 7 нафар патронаж ҳамшира, доя ва шифокорлар «Эл соғлиғи — юрт бойлиги» ширин остида меҳнат қилишмоқда. Л.Отакулова, С.Абдуллаев каби ўқитувчилар ҳудудда истиқомат қилаётган 3 нафар ногирон боланинг уйларига бориб таълим-тарбия беришмоқда. Муҳими, маҳалла фаолларининг диққат-эътибори аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воляга етказишга қаратилган.

**Ҳабиба ШЕРОВА,**  
**журналист.**

# Оиладаги низоларнинг сабаблари

(Давоми. Боши олдинги сонга.)

Афсуски, ҳамма оилаларда ҳам оддий, инсоний ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат мавжуд эмас. Баъзи оилаларда эрни ҳурмат қилиш ўрнига, уларга ҳукмрон бўлиш, уларни «ўз измига солиш»га бўлган интилим ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай оилада эрнинг хотинга бўлган ҳурмати, меҳри сусайиб боради, бора-бора эса йўқолади, меҳр нафратга айланади. Аёлни турмуш ўртоғини ёмонлайвериши натижасида болаларда отага нисбатан нафрат пайдо бўлади.

Фараз қилайлик, эр дўстларини уйга таклиф қилди. Аммо бу тасодифий таклиф аёлга ёқмади. Чунки бир қанча ишларини мўжизаллаб қўйган ёки меҳмон кутишга имконияти йўқ. Натижада меҳмонлар оқиқ чехра билан кутиб олинмади. Бундай вазиятда эрнинг асаби кўзгаёйди.

Бу ҳол бошқача, яхши натижа билан тулаши ҳам мумкин эди. Фаҳм-фаросатли аёл бундай ҳолларда оиланинг борини ошириб, йўғини яшириб, меҳмонларни очиқ чехра билан, эрининг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олади ва кузатади. Меҳмонлар кетгандан кейин, вазиятга қараб, эр-хотин бир-бирларини тушунган ҳолда қандай иш тутиш кераклиги ҳақида келишиб олишлари мумкин. Масалан, уй бекаси бундай дейиши мумкин: «Дадаси, меҳмонларни олиб келишдан олдин уйда у-бу нарса бормиди, деб сўрасангиз яхши бўлармиди? Уйда меҳмон кутишга озиқ-овқат етарли эмас экан, секингина чиқиб, қўшинадан олиб чиқишга мажбур бўлдим. Бундан буён дўстларингизни уйга таклиф қиладиган бўлсангиз, оғоҳлантингир. Икковлашиб меҳмонни кутишга тайёрланайлик. Бўлмаса, уялиб қоламиз». Бундай суҳбатдан сўнг эр-хотиннинг ҳақ эканлигини тушунади ва бундан буён хотини билан бамаслаҳат иш тутишга ҳаракат қилади. Дўстлар билан суҳбатда уларнинг: «Хотиннинг жуда ажойиб аёл-да, уйингга қай маҳал борсак ҳам, очиқ чехра билан кутиб олади. Тасодифан бориб қолсак ҳам, хотинингга ҳеч малол келмаганмиз», деган гапларини эшитиб, хотинига бўлган

меҳри янада ортади, уни яна ҳам ҳурмат қиладиган бўлади.

Оила қурган ҳар бир йиғит-қиз, эр-хотин бир-бирини меҳр деб атамыш малҳам билан озиқлантириб турса, унга сузи-са, уни эъозласа, улардан бахтли одамнинг ўзи бўлмайди. Шундагина тинч-осойишта ҳаёт кечиради. Биз фақат аёллар масаласига ўргу бердик, лекин оила фаровонлигида эркекларнинг ҳам ўрни беҳисоб. Мисол учун, Манзураҳон исми келинимиз юқори қарорат билан ётиб қолди. Ишдан келган Анваржоннинг олдида зўра чикиб салом берди. Алик олган Анваржон: «Овқат борми?», деб сўради. Келин йиғишга ҳаёт кечиради. Биз фақат аёллар масаласига ўргу бердик, лекин оила фаровонлигида эркекларнинг ҳам ўрни беҳисоб. Дойи ичдингизми? Овқатландингизми?», деб ҳол-ахвол сўраб қўйса, Манзура касалини ҳам унутди. Турмуш ўртоғининг келишига овқат қилиб қўйолмаганидан хижолат бўлади. Бу билан Анваржон ўз турмуш ўртоғини ширин сўзи, қалб меҳри билан довлатади. Энди Манзура эрининг келишига бир эмас, икки хил овқат тайёрлайди. Меҳрибон турмуш ўртоғи борлигидан, толеидан хурсанд бўлади.

ХОТИРА

# Ҳаловатни билмас эди у

Онам — Муҳаббат Шаропова ҳар доим бизга бир гапни: «Яхшилик қил, дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса хоник билар. Ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтар», деб такрорларди. Ўзлари ҳам шу ақидлага риоя қилиб яшайди.

Онам 28 йил Самарқанд туманидаги ва Самарқанд шаҳридаги мактабларда ўқитувчилик қилди. «Халқ таълими аълоҳисси» унвонига сазовор бўлди. Кейин эса анча йил маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Онамнинг савий-ҳаракатлари ва маҳалламиз аҳлининг аҳлилиги туфайли «Янги Хайробо»да кўп ютуқлар қўлга киритилди. Маҳаллада ташкил этилган футбол жамоаси «Футболчимиз келажиги» республика мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллади. Онам раис бўлган йил-

ларда маҳалламиздаги масжид қайта таъмирланиб, қўчаларимиз канализацияси марказий канализацияга уланди. Шунингдек, йўлларимизга асфальт ётқизилди.

Минг афсуски, бир бахтсиз тасодиф — автоҳалокат уларни биздан ажратди. Мана, неча йилдирки, бунга кўнголмайман. Ҳаёлимда, онам маҳалла ё мактабнинг бирор-бир тадбири билан югуриб юрибдилару, ҳозир уйга кириб келиб, қилган ишлари ҳақида тўлиб-тошиб дадамга гашириб берадигандай...

Онажоним маҳалламиздаги етим-есир, бева-бечоралардан хабар олиб туришдан, уларга ёрдам қилини чўзишдан чарчамасди. Ҳатто, бирор оилга ёрдам берса, буни ўша оилга сезирмасликка, бидиримасликка ҳаракат қиларди. Бундан биз хайрон бўлсак, онам: «Унг қўлинг берганини, чап қўлинг билмасин», деб қўлиб қўйди ва қилган ишларидан завқланарди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. «Наврўз» байрами арафаси эди. Ҳамма байрамга тайёргарлик кўриш билан овора, ким меҳмондорчиликка борган, ким меҳмон кутган, яна кимдир онам билан табият қўйишга сайрга чиққан. Шу кунги тарқалган совуқ хабар бутун гузарни ларзага солди. Тоғ йўлида содир бўлган автоҳалокат оқибатида бир оила барбод бўлган, буниси билан қолган қизалоқ яқинларидан айрилиб, етимлик азобини тортишга мажбур эди. Онажоним шу кундан ўз ҳаловатини йўқотди. Дадам билан бирга турли корхоналарга бориб, ёрдам сўраб, илтимос қилиб, ниҳоят, ништ заводи раҳбариятини шу қизчани оталиққа олишга кўндирди. Ушанда онажоним бу даражада куйиб-пишиши менинг мураккаб қалбимда ўчмас из қолдирган. Ҳали-ҳануз онажонимнинг бундай эзгу ишларини эслаб фахрланаман.

**Гулчехра БАҲРИЕВА**

# Ёшлар — миллат фахри, мамлакат таянчи

Ёшлар — келажакимиз эгалари, миллат фахри, мамлакат таянчи. Халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда ёшларнинг ўрни, сазой-ҳаракатлари жуда муҳим. Шу боис, истиқлол йилларида уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб улғайишларига катта эътибор қаратилади. Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Баркамол авлод йили, деб номлангани ҳам йилнинг қизларимизга бўлган доимий қўллаб-қувватлов эркин намунасидир. Бундан рағбат олган ёшлар ўзларига билдирилган ишончнинг оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бунинг биринчи билими маҳалламиз ёшлари амалга оширишга иштирокчилар, уларнинг қайрат-шижоати мисолида ҳам кўрсатилган.



Китоб — тафаккурини бойитади

Фотосурат: Насир Хайдаров

Маҳалламиздаги 624 хонадонда 800 дан кўпроқ оила истиқомат қилади. Маҳалла оқибатини, ораста ва ободлигини таъминлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, маънавий муҳитнинг барқарорлигига эришиш — бош мақсадимиз. Бу борада бизнинг комиссиямиз олдидан ҳам долзарб вазифалар турибди. Энг аввало, бандлик муаммосини ҳал қилиш лозимлигини ҳисобга олиб, ишлаш истагида бўлган ёшлар, аёллар ва бошқа фуқароларнинг рўйхатини туздик. Бу рўйхатда ким қайси касб ёки ҳунар билан шуғулланиши ҳам ақс этган. Шу асосда бандлик муаммоси ўз ечимини топтомоқда. Сазой-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, маҳалламиздан бирорта ёш иш излаб ҳорижда сарсон-саргардон бўлиб юргани йўқ. Улар шу ернинг ўзида касб-корига яраша иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, «Устоз—шогирд» мактабини ташкил қилиб, ёшларнинг бирор касб эгаси бўлиши учун замин ҳозирлаб берилди. Жумладан, устоз хунармандлар — Рустам Собиров дурдгорлик, Саид Бекжонов мисгарлик, Шоира Рўзметова тиккувчилик, Дилноза Абдуллаева пазандлик сир-асрорларини ёшларимизга меҳр

Олаберган Қутлимуродовга компьютер жамланмаси совға қилинди. Худудимиздаги фойдаланилмаётган турган бинадаги бўш хоналарни таъмирлаб, ёшларнинг ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланишлари учун имконият яратилди. Худудимиздаги тиббиёт коллежи-га қарашли спорт майдончаси маҳалламиз аҳолиси учун ҳам янгилик майдонига айланган. Бу ерда ёшлар ўртасида волейбол, баскетбол, футбол мусобақалари ўтказиб турилади. Ўтган йили маҳалламиз ёшлари футбол, бекбоми кураш бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритишди. Турли маданий-маърифий тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши ёшлар дунёқарашини кенгайтиришда, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, олимлар,

ёзувчи ва шоирлар, кўпни кўрган оқсоқоллар билан ўтказилаётган учрашувларда ёшларимиз фаол қатнашишмоқда. Ёшлар ўртасида тез-тез «Буюк аждодаларимиз — миллатимиз фахри», «Соғлом авлод — мамлакат таянчи», «Кўчангиз кимнинг номида?», «Китобхон оила», «Ёш хунармандлар», «Гулсевар оила», «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби кўриктанлов ва мусобақалар, баҳс-мунозара ва давра суҳбатлари ўтказиб турилибди. Маҳмуджон Ниёзов, Отабой Ниёзиметов, Отамурод Машарипов, Зухур Қурбонов сингари фахрийларимизнинг бой тажрибалари ёшларни янада фаол бўлишга ундамоқда.

Шоназар МАТЕҚУБОВ,  
Хива шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳалла-си фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси.

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# Умидли дунё

Эр-хотин умидсизликка тушиб, фарзандсизлик доғини тамомла кўтаромай қолди. Тувларни тонгларга улаб қилинган илтижолар, энг кўза кўринган врачлар муолажаларидан ҳам ҳеч бир натижа чиқмагач, бир-бирларидан айро яшашни, ҳаётдаги шу биргина кемтиклик боис рўзори бузилишини, ўзлари ва ота-оналари юз кўрмас бўлиб кетишларини истаман эр шундай қарорга келди:

— «Болалар уйи»дан бола олмазим. Етти йил давомида эри дардида шерик, қайғуларига ҳамдард бўлиб келган Рухсора бу гапни эшитиб, тили қалмига келмай қолди. Бир нафас эри Абдуланинг истиҳола билан тикилиб турган кўзларига қаради:

— Сиз шундай қарорга келган бўлсангиз мен нимаям дердим... — деди. Сўнг лаблари титраганича қўйиб келлаётган кўз ёшларини тийиб туролмасдан қафларини юзига босди. — Бу билан ўзимизни бутунлай айбор қилиб қўймаймизми?..

— Чикмаган жондан умид, — деди Абдулла. — Яқинда бир отахон айтди. Бефарзад оилалар етим бола тарбиялаб олишса, ўзлари ҳам фарзад кўришаркан...

— Сиз шу гапга ишонасизми? — нуумид тикиди Рухсора.

— Етти йил илос қилмаган одамимиз, бормаган жойимиз қолмади, аммо бу гапни ҳеч эшитмаган эдим. Илос — халос, дейишади. Шунга ҳам бир қилиб кўрсак. Ҳеч бўлмаса, уйимизда бир бола юрса, кўнглимиз хотиржам, кучоғимиз тўла бўлармиди, дейман-да...

Рухсора ўйланиб қолди. Эри ҳақ гапиряпти. Энг сўнгги умид — шу. Балки чиндан ҳам ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Ҳеч бўлмаса бир беғувоқ фарзад шуларники бўлиб қолади-ку...

— Унда уйдагилар билан бир маслаҳатлашиб кўрайлик, — деди Рухсора.

— Сен ҳўп десанг, улар йўқ дейишмаса керак...

Эрталабки нонушта пайтида эр-хотиннинг қарорини эшитган қайната ва қайнананинг тишлаган нонлари томоқларидан ўтмай, бир-бирларига қараб қолишди.

— Қандай бўларкин? — деди қайната. Сўнг «Сен нима дейсан?», дегандек хотинига қаради.

— Агар ўзлари шу қарорга келишган бўлса, мен қарши эмасман, — деди қайната. — Зора, шу билан Худойим ўзларига ҳам бир тирноқ ато этса...

— Биз ҳам шу ниятда... — Абдулла

«Ғилт» этиб ютинди.

— Майли, кўнглиларинг ярим бўлмасин, бориб, бир ўғил бола олиб келинглар, — деди қайната. — Аммо яхшилаб суриштиринглар, ҳужжатлари жойида бўлсин. Кейин боланинг ўзи ҳақида ҳам озгина билиб қўйинглар...

— Дадаси, — деди онаси, — улар менимча, ўғил бола эмас, қиз бола олиб келганлари маъқул, нима дедингиз?

— Нега бундай дейсан? — иккила-ниб қолди қайната.

— Ўғил бола улғайса, ҳақиқий ота-онасини излаб қолиши, битта-ярим ўғил кўрсатиши мумкин. Ҳар ҳолда ўғил бола...

— Унда онанг айтгандек қила қолинглар, — деди отаси. — Фақат эътибор қилинган, бола унча эсини таниган бўлмасин...

Уша кунини Абдулла хотини билан ҳужжатларини олиб, болалар уйига боришди. Директор билан гаплашиб, мақсадларини тушунтиришди. Болалар уйи директори қирқ беш-элик ёшлардаги сочларига оқ оралаган, бироз ғамгин, ўйчан ва мулоҳазали аёл экан, уларнинг гапларини тинглаб туриб:

— Яхши ўйлабсизлар, — деди Абдуллага қараб. — Фақат бир шартим бор.

— Қўлогим сизда, она?

— Болани олиб кетгандан сўнг қаровсиз қолдирмайсизлар. Ўз болаларингдек қабул қиласизлар. Мабодо ҳафта-ўн кун ўтиб, бола яна қайтиб келадиган бўлса, аввалдан айтиб қўйиб, бу ишни қилмаганларинг маъқул...

— Йўқ, отажон, — деди Рухсора. — Ўзимнинг боламдай қарайман. Қўлимдан келганча ардоқлаб, суйиб, бор меҳримни бераман.

Болалар уйи директори сўзлай туриб, кўзларига милт-милт ёш олган Рухсоранинг йиллар сўлитган юзига қаради-да, столини айланиб ўтиб, унинг эти қочган кўларини қафтига олди.

— Йўқ, отажон, — деди Рухсора. — Ушимнинг боламдай қарайман. Қўлимдан келганча ардоқлаб, суйиб, бор меҳримни бераман.

Директор синиқдан табассум билан бош чайқади.

— Яна бир илтимосим бор, — деди Рухсора. — Бола қиз бўлсин... Ёши ҳам...

— Билман, билман, — деди директор унинг сўзини бўлиб. — Сиз болани гўдаклигиданоқ тарбиялаб, сизларни «отана» дейишларини хоҳлаясиз. Яқинда

икки ойлик чақалоқни қабул қилганмиз. Ширингина қиз... Ҳозир уч ойлик бўлди. Шунга берсам бўладими?

— Ота-онаси излаб келмайдими?

Директор ғалати бир қараш қилди.

— Она-онаси шу номга лойик бўлганда, икки ойлик гўдагини эшитимиз олдига ташлаб кетармиди?

— Шунга денг? — титраб кетди Рухсора. — Вой аққоқлар-е...

— Қизим, кимдир тирноққа зор, кимдир эса беғувоқ болани кўчага ташлаб кетади, — «ух» тортиди болалар уйи директори. Сўнг котибасини чақириб деди: — Яқинда фаррошларимиз дарвоза тагидан тошиб олган чақалоқни олиб келинг. Гулчехрани.

Котиба қиз чиқиб кетгач, директор гапда давом этди:

— Оппоққина, чиройли қиз экан, асли исми нималигини билмасдан «Гулчехра» деб атай бошладик. Директорнинг гапларидан Абдуланинг аъзойи бадини қизиб, Рухсоранинг эти жимирлаб кетди. Котиба қиз билан энага чақалоқни олиб келганда эса, Рухсора гўдагини қўлига олиши билан ўпкасига тўлиб йиғлаб юборди.

— Бунча ширин бўлмаса, — деди оппоқ юзини очиб кўриб. Сўнг митти

қўлчалари, пистадеккина кўзларига тикилиб, лўпши ёноғидан ўлиб олди. — Вой асалчам-е. Кўзларига ўлай мен!

«Шутинга қиз ўзимизники бўлсайди...» Абдуланинг кўнглидан шундай ўй кечди. Шу дамда Рухсоранинг ҳам кўнглидан шундай ўй ўтар, аммо сездирмас, гўдагини тўйиб-тўйиб қиладди.

— Қулгачларига ўлай! — деди Рухсора уни эркалаб. Сўнг беихтиёр эрига юзланди — Кўзчаларига қаранг... Қанийди, ўзимизнинг ҳам шундайгина бир чақалоғимиз бўлса...

— Худо хоҳласа бўлади... — Абдуланинг ич-ичидан бир нима чирт этиб узиладек бўлди. Рухсоранинг юзларига тикилиб, беихтиёр кўзларига ёш олди.

— Насиб бўлса, бизга ҳам ато этар...

Улар шу тарзда болалар уйини тарк этишди. Бирок ҳар иккисининг юрагидан умид вақти келар шунча нирт этиб узиладек сабаб, ўзлари фарзад кўриш, ўша фарзадлар туғилишига сабабчи бўлган бу гўдақни эса ўша вақтда ҳам худди шундай севиш, ардоқлаш ҳисси ҳукмрон эди ва... шундай бўлди ҳам. Орадан йил ўтиб, Гулчехра энди той-той қилиб юра бошлаганда Рухсора шўр бодринта бошқоронинг бўлди...

Холиёр САҒАРОВ

## МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

# “Пиридастгир” — қадим гўша

“Пиридастгир” маҳалласи Бухоро шаҳридаги энг гавжум ва обод маҳаллалардан. Тарихий манбаларда «Эзилчишча, бу худуд қадимда Сепулон қишлоғи деб аталиб, аҳолиси дехқончилик, чорвачилик билан шуғулланган. “Пиридастгир” сўзи «қўлаб-қувватловчи пир», деган маънони англатади. Ривоятларда айтилишича, Сепулонда Фавсул аъзамнинг шогирдларидан бири яшаб ўтган экан. Шу боис, бу маскандаги зиёратгоҳ ҳам “Пиридастгир” номи билан аталган.

Маълумки, Бухоро шаҳридаги еросоти сувлари шўр бўлган. Ажабланирлики шундаки, шаҳарга туташ Сепулон қишлоғидаги булоқ суви чучук бўлиб, шаҳар аҳолисини ичимлик учун билан таъминлайдиган манбалардан бири саналган. Эҳтимол, худуднинг муқаддас са-

налишида ушбу сув манбаи ҳам сабаб бўлгандир.

Афсуски, шўролар истилоси даврида зиёратгоҳ вайрон этилган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг бу ерда яна янги зиёратгоҳ барпо этилиб, булоқ кўзи очилди. Натيجадан маскан ободонлашиб, кўпқаватли уйлар барпо этила бошланди. Аҳолининг тақлифи билан маҳалла “Пиридастгир”, деб юритиладиган бўлди.

Айни пайтда маҳаллада 4010 нафар аҳоли фаровон турмуш кечирмоқда. Йилнинг худудда 60 та корхона ва ташкилот, учта касб-ҳунар коллежи, 2 та мактаб, 40 га яқин савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритяпти. Йилнинг идораси ҳузурида касаначилик марказининг ташкил этилгани ҳам уй бекаларини иш билан таъминлашда

## “MAHALLA” ЖАВОБ БЕРАДИ

# Кафолат муддатига эътибор беринг

**САВОЛ:** — Яқинда дўкондан музлатгич сотиб олган эдим. Лекин бир ярим ойдан сўнг ишламай қолди. Сотиб олган дўконга олиб борсам, алмаштириб беришмади. Улар бунга ҳақлими?

З.ЖАБОРОВ.  
Жиззах шаҳри.

**ЖАВОБ:** — Маҳсулот сотиб олаётганингизда, албатта, кафолат муддати белгиланганига эътибор беринг. Чунки “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан, узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарларга кафолат муддати белгиланиши керак.

Демак, сиз сотиб олаётган товарнинг кафолат муддати — товарнинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳоказо) бажариш вақти белгиланган бўлиши керак. Агар фойдаланиш қоидаларига риоя этилган бўлса, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи товарнинг сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди.

Кафолат муддати товарнинг паспортда ёки ҳарид пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган ҳужжатда кўрсатилади ҳамда сотилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товарнинг нуқсонлари унинг кафолат муддати давомида аниқланса, сиз ўз хоҳишингизга кўра, қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақлисиз:

- товарни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) сифатли товарга алмаштириб бериши;
  - товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг ҳарид нарҳини қайта ҳисоб-китоб қилиши;
  - товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки ўзингиз ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларини бартараф этиш учун қилган харажатларини қоплаши;
  - ҳарид нарҳини нуқсонга мутаносиб равишда қайтариши;
  - шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаши.
- Шунингдек, сотувчининг раёриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қоплашини талаб қилишга ҳақлисиз. Истеъмолчи сифатида фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилсангиз, давлат божи тўлашдан овоз этиласиз. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилиш ҳуқуқингиз бор.

Фасихаддин СУЛТОНОВ,  
ҳуқуқшунос.

# Васиятномангизни бекор қилмоқчимисиз?

**САВОЛ:** — Васиятномани бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш қай тарзда амалга оширилади?

Гулбаҳор БЕШАНОВА,  
Бекобод тумани.

**ЖАВОБ:** — Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд ундаги айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига кўра нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нуқсаларини йўқ қилиб ташлаш йўли

билан бекор қилиниши мумкин. Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

# Фарзандликка олиш сир сақланади

**САВОЛ:** — Анча йилдан буюн бефарзандимиз. Турмуш ўртоғим билан келишиб фарзад асраб олмақчимиз. Фарзандликка олиш мутасадди ташкилотлар томонидан сир сақланадими?

Дилдора КАРИМОВА,  
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри.

**Жавоб:** — Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайда этиш дафтаридидаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотронинг бўлди...

ларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ихтиёрига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошқор қилган шахслар қонун билан белгиланган тарзда жавобгарликка тортилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Жаҳонгир АБДУРАИМОВ жавоб берди.

## Саховат тadbири

БУХОРО ВИЛОЯТИ Когон шаҳридаги «Бухорон Шариф» маҳалласида хайрия тadbири ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги, йилнинг мутасаддилари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тadbирда ҳомий ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари томонидан байрам дастурхони ёзилди.

Тadbирда кам таъминланган, боқувчиси йўқотган оилалар, болаликдан ногирон, ёлғиз қариялар, фахрийлар тақлиф этилиб, баҳорий таомлар тортилди.


— Иجتимоий ҳимояга муҳтож инсонлар доимо эътиборимизда, — дейди маҳалла оқсоқоли Т. Гасимов. — Қалби ўқсик қариялар, жисмоний имконияти чеklangанларнинг кўнглини кўтариш, улар ҳолдан хабар олинмади хайри ишларда мутасадди ташкилотлар билан бирга, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинимаси ҳам фаол иштирок этипти. Улар кўмағида маҳалламизда бундай саховат тadbирлари тез-тез ташкил этиб келинади.

Тadbир сўнггида ёрдамга муҳтож оилаларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

М. МАҲИДОВА

«БИЗ КУЧЛИ ВА СОҒЛОМ ОИЛА»

# Оилавий спорт — баркамоллик пойдевори



© фото-Носир Хайдаров

Тяжёлая работа, мажоритаризмда оилавий спортнинг ўрни тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Буни «Биз — кучли ва соғлом оила!» мусобақасининг ўтказилиши савияси юқорилигидан билсак бўлади.

Оилавий беллашуларда ўтган йили 356 та жамоа иштирок этган бўлса, бу йилги мусобақаларда талабгорлар сони салкам икки бараварга ошгани янада қувонарлидир. Бундай жамоалар, айниқса, Самарқанд, Жомбой, Оқдарё, Булунгур, Паст-

даргом туманларида кўпайиб бораётди.

— Спортда эришган ютуқларимда ота-онамнинг раҳнамолиги, шахсий ибрати муҳим ўрин тутди, — дейди Самарқанд туманидан чиққан таниқли спортчи қиз — анъанавий карате-до бўйича халқаро 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси, Евроосиё чемпиони Сетора Шайдуллаева. — Оиламиздагилар спортнинг моҳиятини чуқур тушунишди. Дадам Собиржон Раҳимов — футболчи, онам Тамара Гофурова ва укам Санжар енгил атлетикачи, опам Нигора эса тазквондо бўйича 1-ДАН қора белбоғи соҳибасидир.

Туманда соғлом турмуш тарзини танлаган оилалар кўп. «Оқмачит» маҳалласида яшовчи дзю-до бўйича жаҳон чемпиони Хуридд Нобиев, «Шўрбойича» маҳалласида истиқомат қилувчи, 7 ёшли каратечилар ўртасида Осиё чемпиони Азимжон Равшанов, Хожа Ахрори Вали номидаги маҳаллада камолга етган, карате бўйича Осиё чемпиони Азиз Ражабов ҳам спортчи оила-

лар фарзандларидир. Қувонарлиси, оилавий спортда оналар, қизлар ва келинларнинг иштироки ортиб бормоқда. Бугунги ёшларимизнинг бўйдоқ, хушқомад бўлиб улғаяётгани, кўрқмас ва довракити ҳам жисмоний тарбияга етарлича эътибор берилётганининг самарасидир.

Соғлом турмуш тарзи, баркамол авлод тарбиясида спортнинг моҳияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг қуйидаги ўғитларини ёдга олайлик, болаларимиз тарбиясига ана шундай раҳмхўр нигоҳ билан қарайлик:

«Азизларим, Аллоҳ таоло берган соғлимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади».

**Шавкат ЖОНИҚУЛОВ,**  
«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ФАХРИЙЛАР ФАХРИМИЗ

# Бугунги авлоднинг манзили нурафшон, мақсади ойдин

Касалхона ҳовлисида у ёқдан бу ёққа беҳаловат юрган она шифокорнинг оғир жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунлангани тўғрисидаги хабаридан севиниб кетди.


— Эркинжон қандай? Тузуқми? — деб сўради шифокордан.

— Ҳа, ҳозирча тузуқ, аммо у ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин, — деди шифокор. — Тутнинг баланд шохидан йиқилиши оқибатида талоқ парча-парча бўлиб кетган экан, олиб ташлашга тўғри келди. Энди бу ёнига худо пошмо...

— Онанинг, леҳрасига ҳам соя солиди. Ипак кўрғи учун тут шохини кесиб келишга чоққиллаб чиқиб кетган шўх набираси сал фурсат ўтмай бу аҳволга тушиб ўтирса-я..

Шу кўндан бошлаб онанинг ҳаловати йўқолди, набирасини ҳар сафар кўрганда ичидан зил кетди, унинг дардига Яратгандан шифо талабди. Қарангки, орадан йиллар ўтиб она халқи ишончини оқлаган набираси спортнинг оғир атлетика тури бўйича жаҳон рекордини янгилаган чемпион бўлишнинг, соғлом ва баркамол авлод тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юзлаб шогирдлар етиштиришини, унга кўпчилик ҳавас билан боқилишини онахон ҳаёлига ҳам келтирмаган экан.

— Спортга қизиқиш маҳалладан бошланган. Мен туғилиб-ўсган Каттақўрғоннинг «Маруқўрғон» маҳалласида Этам ака деган киши бўларди. У кишининг оёқлари оқсар, аммо спорт билан шуғулланар, оғир юкларни даст кўтарар, қомати ҳам келишган эди. Дастлаб у кишига ҳавас қилиб, спорт билан шуғуллана бошладим. Кейинчалик мактабда жисмоний тарбия ўқитувчимиз Николай Штейбог менга эътибор қаратди. Нимжонлигим, касалмаддигимни кўриб: «Мен сени зўр спортчи қиламан, соғлом ва бақувват бўлишни хоҳлайсанми?», деди. Шундан сўнг у мен билан алоҳида шуғуллана бошладим. Кун сайин ўзимда ўзгариш сеза бошладим. Энди билсам, спортга меҳр, келажакка ишонч, юксак марралар сари



© фото-Носир Хайдаров

интилишни айнан шу киши юрагимга синдирган экан, — дейди Тошкент давлат автомобиль йўллари институти жисмоний тарбия кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Эркин Қаримов.

Э. Қаримов 1963 йили ўрта мактабни тугатиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга киради. Уша йили спорт устаси бўлиб, оғир атлетика бўйича 56 кг. вазнда республикада 2-ўринни эгаллаб, спортнинг шу тури бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинади. 1972 йили 60 кг. вазнда штангани силтаб кўтариш бўйича 155 кг. натижа билан жаҳон рекордини ўрнатади. Э. Қаримов ўзи эришган натижаларда устозлари Даврон Гайбуллаев, Владимир Афанасьеваўларнинг хизматлари борилини алоҳида таъкидлайди.

— Уша пайтлар кичик мусобақаларни ҳисобга олмаганда, биз тенгги ёшларга жаҳоннинг катта майдонлари ёпиқ эди, — дея таассуф билан эслайди фахрий спортчи. — Ватанимиз мустақилликка эришган илк йиллардан Қазан Президентимиз Исом Қаримов раҳнамолигида соғлом авлодни вояга етказишга катта эъти-

бор қаратиди. Жисмонан бақувват, кучли ва соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш учун яратилган шарт-шароитларни кўриб ёшларимизга ҳавас қиламан. Бугунги авлоднинг борар манзиллари нурафшон, кўзлаган мақсадлари ойдин. Уларга эришиш учун тоғдай тиртак — халқ ишончи, ҳукумат эътиборини ҳис қилишнинг ўзи олам-олам бахт.

Бугун Ватанимиз спортчилари даълатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар рўфайди жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришиб, Ўзбекистон байронини дунё узра балад қўтармоқдаки, ушбу муваффақиятларда юртимиз спорт фахрийларининг ҳам тажрибалари қўл келаяётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ёш авлодни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, маънавий қимликка эриштиришда устоз ва мурабийлар қатори кўп йиллик тажрибага эга бўлган спорт фахрийларининг ёрдамлари катта.

Эркин ака айна пайтда талабаларга «Валеология асослари» фанидан сабоқ бериб келмоқда. Лотинча «валеология» сўзининг маъноси «саломатлик» дегани. Э. Қаримов бу фан ҳақида гапирар экан, валеология анатомия, физиология, педа-

гогика, фалсафа, тарих, кимё, жисмоний маданият ва спорт, экология билан боғланган интегратив фан эканини, жамиятда ҳар бир инсон валеологик нуқтаи назардан ўзини билиши, англаши, қимматли ва жисмоний саломатлиги муҳим ўрин тутганини, чамбарчас боғланган бу учлиқдан бири назардан четда қолса, асламақсад — баркамолликка эришиб бўлмаганини алоҳида таъкидлайди.

Осмоли мусаффо, тинчлиги барқарор Ватанимиз буюк келажак сари дадил одимламоқда. Келажак ворислари эса бугун мактабда, университетда таҳсил олаётган, спорт мусобақаларида муносиб натижаларга эришаётган ёшлар. Улар барпо этадиган порлоқ келажак учун Эркин Қаримовга ўхшаган фахрийларнинг маслаҳатлари, насихатлари асқатиши шубҳасиз. Яқинда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Ватанимиз оғир атлетикачилари Сингапур олимпиадасининг 2 та йўлнамасини қўлга киритгани ҳам юртимизда фахрий спортчиларимизнинг муносиб издошлари вояга етаётганидан далолат.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**  
«Mahalla» мухбири.

# Дунёдан дараклар


## Транспортчилар норози

КЕЧА Португалияда барча транспорт ишчи-хизматчилари иш ташлади. Натижада минглаб одамлар иш жойларига етиб бора олмади. Шаҳарлараро қатновчи поездларнинг тўхтаб қолиши туфайли вокзаллар йўловчиларга тўлиб кетди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, айниқса, аҳвол катта шаҳарларда, хусусан Лиссабонда ташвишли. Метрода ҳар беш дақиқа ўрнига бир соатда битта поезд қатнапти.



нинг музтабиб қўйилишига ва давлат транспорт компанияларининг хусусийлаштирилишига қарши чиқишмоқда.

## Банкнинг молиявий найранглари



АҚШ Сенатининг тергов қўмитаси «Goldman Sachs» инвестиция банкига нисбатан кўзга ташланган жиноий иш давом эттирилишини талаб қилди. Бу ҳақда «New York Times» газетасида бо-


силган ахборот асосида «Финмаркет» агентлиги хабар тарқатди.

Тергов маълумотларига қараганда, банкда қўлаб молиявий найранглар содир этилган. Сенатнинг тергов қўмитаси раҳбари Карл Левиннинг айтишича, «Goldman Sachs» мижозларининг эмас, биринчи навбатда ўзининг манфатларини кўзлаган. Ипотека қимматбаҳо қорозларининг баҳосини атайин пасайтирган.

Банк бошлиғи Лойд Бланкфайннинг таъкидлашича, «Goldman Sachs»га нисбатан тергов ишларининг бошланиши бўлса ҳодимлар учун қўтимлаган воқеа бўлган ва ҳаммани бирдек ташвишга солмоқда.

## Инвестиция жалб қилмоқчи

ТНК-ВР Россия-Буюк Британия нефть компанияси нефть қазиб олишни қўлайтириш учун йилга 4-5 миллиард доллар инвестиция жалб этишни режалаштирди. Бу ҳақда компания директори Жонатон Мьюир журналистлар билан бўлган матбуот анжуманида айтиб ўтди.



«Reuters» хабарига қараганда, қатталиги жиҳатидан Россиядаги учинчи нефть компанияси ҳисобланган ТНК-ВР ўтган йили ҳар куни 1,69 миллион баррел нефть қазиб олиш эъвозига 5 миллиард доллар соф фойда кўрди. Компания жорий йилда қора олтин қазиб олишни яна 1-2 фойизга қўлайтиришни ўз олдига мақсад қилиб

қўйган. Мьюирнинг айтишича, жорий йилнинг биринчи чорагида компания ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71 фойиз кўп фойда кўрган. Нефть қазиб олиш қўлдори ҳам 4,1 фойизга ўсган.

## 17 йил қидирувда



ИТАЛИЯ полицияси 30 нафар энг хавфли жиноятчи рўйхатидан ўрин олган Жованни Теганони ҳибсга олди. «France-Presse» хабарига қараганда, у сиртдан умрбод қамоқ жазосига ҳукм

этилган ва 17 йилдан буён қидирувда эди. Хабарда айтилишича, 70 ёшли жиноятчи 1993 йилда одам ўлдирган ва мафияга алоқадорликда айбланган.

Мамлакат ички ишлар вазири Роберто Марано Теганонинг қўлга олинишини полициянинг мафияга қарши курашдаги катта ютуғи, деб баҳолади.

Калабрида туғилган Тегано нафақат Италиядаги, балки дунёдаги энг йирик жиноятчилардан ҳисобланади. У ҳатто Сицилиянинг афсонавий коза ностру ва Неополитаниянинг каморру жиноий гуруҳларини ҳам ўзига бўйсундирган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани 177-мактаб томонидан 1994 йилда Раҳматуллаева Камола Убайдуллаевнага берилган А№437594 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Mahalla**  
ҳафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

**Бош муҳаррир**  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 6 декабрда 0019 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси 32-уй  
Индекс: 100083

Навбатчилар: Раҳим Шеркулов  
Муассис: Нодира Холмирзаева

**Телефонлар:**  
233-39-89 233-10-73  
236-53-93 236-53-75,  
236-57-62 Факс: — 236-57-94

Газета тахририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди,  
офсет усулида босилди.  
Формати — А-2,  
4 босма тоб.  
«Шарк» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида босилди.  
Корхона манзили:  
Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.

**www.mahallagzt.uz**  
**mahalla@sarkor.uz**  
**mahalla.gz@rambler.ru**

21030 нухдада чоп этилди. Буюртма  
Г-354

**Нашр қўрсатқичи: 148**

## ХАБАРЛАР

### Осиё чемпионатида куръа ташланди

Келгуси йилнинг 7-29 январь кунлари футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионатида Қатар давлати мезбонлик қилади.

Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш бахтига мушарраф бўлган қитъанинг 16 та энг кучли жамоалари сафида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам борлиги қувонарлидир.

Ўтган ҳафта Осиё чемпионатида қатнашадиган терма жамоаларнинг гуруҳларини аниқлаш бўйича куръа ташлаш маросими ўтказилди. Куръа натижаларига кўра, вакилларимиз «А» гуруҳидан жой олди. Гуруҳдаги рақибларимиз Қатар, Қувайт ва Хитой терма жамоаларидир.



Ушбу гуруҳда Осиё чемпионатида янги йилнинг 17-18 январь кунлари «Халифа» стадионида, янги Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросимидан сўнг ўтказилди.

**Қолган гуруҳларда жамоалар қуйидагича жой олишди:**  
«В» гуруҳи: Саудия Арабистони, Япония, Иордания, Сурия.  
«С» гуруҳи: Жанубий Корея, Ҳиндистон, Австралия, Баҳрайн.  
«Д» гуруҳи: Ироқ, КХДР, БАА, Эрон.

## Ғолиб курашчилар аниқланди

Авал хабар берганимиздек, Бухорода кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ўз ғолибларини аниқлади. 400 нафардан зиёд полвон иштирок этган чемпионатдаги мurosасиз баҳслар натижасига кўра Уктам Эргашев, Яҳё Имомов, Шерали Жўраев, Сухроб Худойбердиев, Фаёз Файзуллаев, Бахтиёр

Менгликулов ва Ширин Шарипов каби спортчилар шохсуланинг энг юқори поронасидан жой олишди. Қизлардан эса Нодира Гулова, Муҳаммад Кубаева тенгсиз эканликларини намойиш этишди. Чемпионатнинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

## Тошкентда қиличбозлар баҳси

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежида спортнинг қиличбозлик тури бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 200 нафарга яқин спортчи ёшлар ўз йўналишларида беллашди.

Тўрт кунлик баҳслар натижасига кўра, андижонликлардан Ғайрат Тождидинов, Рустам Уразбахтин, пойтахтликлардан Анора Хусанова, Владислав Карпенко, Яна Резниченко, навоийлик Гулноза Абдураҳмонова олтин медал соҳиблари бўлишди.

Айниқса, спортчилардан Яна Резниченко, Гулноза Абдураҳмонова ва Ғайрат Тождидиновнинг техник ва тактик харақатлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.


Энди ушбу ёшлар шу йилнинг сўнгги ойларида ўтадиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

# Маънавий поклик тимсоли

**И**ккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 мингдан зиёд киши иштирок этди. Улардан 450 минг нафари Ватанига қайтмади. Узга юрт тупроқларида жон олиб, жон берган, қавму қариндошлари билан видалашмай кўзларини мангута юмган ўзбек йигити, шубҳасиз, сўнгги нафасини олганида ўзининг бегубор болалиги ўтган она қишлоғи, яланг оёқ чопқиллаб кезган қадрдон кўчалари, кун санаб, кўзлари тўрт бўлиб кутаётган мунис онаизори, бева қолаётган дилбар келинчаги ҳақида ўйлаган...

Инсон қадри азиз, хотираси муқаддас ҳисобланган юртимизда ҳеч ким ҳеч қачон унутмайди. Бундан 65 йил бурун жон фидо этган ватандошларимизнинг жасорати ёш авлодга ибрат намунаси бўлиб қолаверади. Бугунги дориломон кунларга етганига шукр қилиб яшаётган уруш фахрийлари эса доимо иззат-ҳурматда. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги галабанинг 65



© фото-Носир Хайдаров

йилиги нишонланиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони бунинг ёрқин далилидир.

Фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронлари 200 минг сўмдан бир марталик пул мукофоти билан мукофот-

ланади. Бундан ташқари, уларга ҳокимликлар, турли идора ва ташкилотлар, маҳаллаларнинг ҳам совғалари топирилади. Айни дамда пойтахтимизда 1700 нафардан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилмоқда. Ана шундай инсонлардан бири Яккасарой туманидаги «Яккасарой — 2» маҳалласи фуқароси, 90 ёшни қаршилаётган Икром ота Отабековдир.

— Маҳалламизда Икром ота сингари 5 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор, — дейди «Яккасарой — 2» маҳалласи оқсоқоли Мирзохид Миржамол. — Улар қатори меҳнат фахрийлари, афгон уруши ва Чернобыль воқеаси иштирокчилари ҳам доимий эътиборимизда. Кексалар кўнглини кўтариш, мурувватталаб инсонларни ҳимояга олиш ҳалқимизга ҳақ фазилат. Шу боис, ҳар байрамда уларни совға-саломлар билан йўқлаймиз. Мана, яқинда 59-оилавий поликлиника ходимлари билан бирга-лиқда ётиб қолган беморлар ҳамда 5 нафар уруш қатнашчисининг хонадонларига бориб, уларни тиббий кўриқдан ўтказдик.

— Кексалари ардоқланган юртдан хотиржамлик, кут-баракат, инсофу диненат нурлари араймайди, — дейди отахон. — Кун сайин чирой оцаётган Ватанимизни, тўю тантанадан боши чиқмай, осойишта

яшаётган ҳалқимизни, тафаккури теран фарзандларимиз камолини кўриб, шу кунларга етказганига шукр дейман. Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган эътибордан кўнглимиз тоғдай кўтарилади. Маҳалламиз оқсоқоли, маҳалладошлар тез-тез ҳолимдан хабар олиб туришади. Кунни кеча маҳалламиздаги 100-мактаб ўқувчилари билан урғувчи ташкил қилинди. Ишончим комил, бу тадбирда айрилган галлар фарзандларимизни Ватани янада севишга, бутунги тинч ва оқсоқоли қадрлашга, бобомерос заминимизни асраб-авайлашга ундайди.

Дарҳақиқат, тарихнинг не-не бўҳронларини бошидан кечирган отахону онахонларимизнинг ҳар бир айтган сўзлари ҳикмат чироғи бўлиб, йўлларимизни равшан этади. Уларнинг кўнглини кўтариш, уларга янада кўпроқ эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Икром отанинг сўзларини тинглаб, Хотира майдонида кўнглимдан кечган савога жавоб топгандек бўлдим. Хотира инсоннинг инсонлигини англашувчи, уни ўтмиш ва келажак билан боғлаб турувчи буюк қадрият, илоҳий қудрат экан. Унинг ёрқинлиги эса руҳий тинчлик ҳамда маънавий покликдан нишон.

Юдуз ҲОЖИЕВА,  
«Mahalla» мухбири.



## ТҲЙХОНА САБОҚЛАРИ

### Ажойиб шодиёна бўлди...

**ЯҚИНДА** Олтинкўл тумани Сувиодуз қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Чаққон-2» маҳалласида ажойиб бир тўй бўлиб ўтди. Кўёв Шерзодбек Мамаинов ва келин Холидаҳон Мамаинова йиғилганлар оила кўраётганликлар билан қутлашди. Уларга алвон-алвон гулдастала, ҳомийларнинг совға-саломлари топириди, эзгу тилмақар билдириди. Шундай қилиб, маҳаллада янги бир ёш оила пайдо бўлди.

Агар фаоллардан бири Шукржон Мирзаев жонсараклик билан маҳалладошларини шу савобли ишга бошламаганда, балки бу тантана бўлмасми? У маҳалла оқсоқоли Махмуджон Тўраев, фаоллардан Аъзамжон Нуриддинов, Марғубахон Ниёзова ва Зулхумор Сатторовга боқувчисини йўқотган ўғлининг ошанинг ўғли Шерзодбек ҳақида гапириб берди. Маҳаллада машҳур ёноч устаси сифатида танилган Иминжон Мансуров ҳам бу ишга қўлдан келган ёрдамчини аямаслигини билдириди.

Шундан кейин тўйга тайёрларик бошланди кетди. Маҳалла аҳли ҳамжидатликда маблағ йиғиб, йигит ва қизга сарполар қилишди, тўйнинг кам-кўстини ташкил этишди. Маҳалла фаоли Турсунбой Жалолов эса тўйнинг борди-келдиси учун транспорт воситаларини ўз зиммасига олди. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимига ўз ҳисобидан маблағ ажратди.

Тўй ортиқча дабдабалирсиз, чикимларсиз ўтказилди, тантананада қатнашганлар бахт фақат бойликдан иборат эмаслигига яна бир бор ғувох бўлдилар. Шу ҳудудда

фаолият юритаётган фермер хўжалиқлари, тадбиркорлар ҳам икки ёшнинг тўйига баҳоликлардан ҳисса қўшдилар.

— Туманимиздаги 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги 56 та маҳаллада 156 минг аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимига раиси Замирахон Йўлдошева. — «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига биноан, ўз иш режамизни тузар эканмиз, турмушимизнинг ана шу жиҳатларига ҳам эътибор бермоқдамиз.

Маҳаллий бошқарув идоралари ходимлари аҳолининг кам даромадли қатламига алоҳида эътиборга олган ҳолда иш юритмоқдалар. Тумандаги барча маҳаллаларда боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдамлар уюштирилмоқда. Яқинда «Мадийерчек» маҳалласида боқувчисини йўқотган Муяссархон Тешабоевнинг кенжа ўғли Дилшодбекнинг ҳам никоҳ тўйи ўтказилди. Маҳалладаги каттаю кичик тўйга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

«Маҳалла» жамғармаси туман бўлимига раиси Замирахон Йўлдошевнинг иш режамизидан бундан ташқари, ёшларни иш билан таъминлаш, ўқитиш, турли зарарли оқимларга қарши курашиш ва бошқа кўплаб масалаларга бағишланган тадбирлар белгиланган. Бу тадбирлар тумандаги ҳуқуқ-тартибот органлари, Нурулий жамғармаси, Камолот ЕИХ туман кенгашлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

У.САҚСОНБОВ,  
«Mahalla» мухбири.



© фото-Носир Хайдаров

## Боладаги уятчанликни енгиш мумкинми?

**А**йрим ота-оналар фарзандининг бошқалар олдига ўзини эркин тутта олмаслигидан шикоят қилишади. Баъзан маҳаллангизда ўйнаб юрган болалар орасида ҳам «ёввойи» болакайлارга дуч келасиз. Ҳўш, бу тортиноқликни, уятчанликни енгиб, болада ўзига бўлган ишончини орттириш учун қандай йўл тутиш керак?

Аввало, болангизнинг хулқини тўғри

қабул қилишингиз ва албатта, унга меҳр кўрсатишингиз лозим. Гоҳида унинг тортиноқлиги сизнинг асабингизга тегиши мумкин. Аммо у бунга атайлаб қилаётганини ёдда тутинг. Уятчан ва тортиноқ болалар кўпчиликнинг эътиборида бўлишни ёқтиришмайди. Бу даврни кўпгина болакайлалар бошдан кечиради. Уларнинг бу ҳолатига аҳамият берилмаса, ҳаммаси ўз-ўзидан изга тушиб кета-

ди. Бироқ аксарият болаларда уятчанлик фелъ-атвордаги алоҳида бир хусусият сифатида намоён бўлади.

Фарзандингизнинг ҳиссиётларига хурмат билан қарашга, уни тушунишга ҳаракат қилинг. Шу ўринда таъкидлаш керакки, айрим ота-оналар фарзандидаги бундай нуқсонни руҳшунос ёрдамида йўқотади, айримлар эса бу ҳолатта бепарво муносабатда бўлади. Масалан, оила-

да флегматик темпераментли бола туғилди. Уйда эса ота-она тез-тез ўзаро жанжаллашади. Бундай шароитда болада аста-секин кўрқув ва одамовилик хусусиятлари шакллана боради. Худди шундай оилада холиерик бола туғилса, у ўзини бошқача тутади: йиғлаб, ота-онасига гап қайтариб, жанжалга ҳалаф бериш учун эътиборни иложи борича ўзига қаратади. Кўйидоғилар болада уятчанлик ва ишонсизликни шакллантирувчи сабаблар бўлиши мумкин:

- боланинг ўта таъсирчанлиги ва атрофидоғиларнинг фикрига тобеллиги;
- онадан жуда эрта ажралиши;
- носовлом оила муҳити (уруш-жанжаллар, жижзакилик);
- ота-онанинг ҳаддан зиёд қаттиққўлиги, фарзандидан жуда кўп нарсани талаб қилиши.

Уятчан, одамови болани ўзгартириш учун ота-оналарга кўйидоғилар тавсия этилади:

- фарзандингизни бошқа болалар билан асло тақдосаманг;
- уятчан болага босим ўтказиш, уни бирор нарсатга мажбурлаш мумкин эмас;
- унинг барча ишларига ҳам аралашверманг, муаммосини ўзи ҳал қилишга ишонч беринг (албатта, агар бу унинг соғлиги ва ҳаётига буюк бўлмаса);
- бола билан хотиржам муносабатда бўлинг, унинг олдига бошқа одамлар билан балад овозда, бақириб гаплашманг;
- уятчан болаларни баъзи-баъзида холи қолдириш лозим. Бундай болалар яққа қолганида зерикмайди, кун давомида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг

ҳаммасини таҳлил қилиб чиқади;

- фарзандингиз билан унинг тилида гаплашишга оdatланг. Боланингизда сизни қандай атаганлари, эркалашлари ҳақида гапириб беринг. Кейинги сафар у яқши кўрадиган нарсаларни бирма-бир айтиб ёки чизиб беришини суранг. Бу каби суҳбатлар болада ишончини оширади;

- китобни овозингизни чиқариб ўқинг. Одатда, уятчан болаларда нутқ яқши ривожланмаган бўлади, шунинг учун уларнинг овоз чиқариб ўқиниши ўрганиши жуда муҳим. Бунда оддий маттни шунчаки эмас, балки ролга кириб ўқинг, расмларни муҳокама қилиш, қайси қаҳрамон ёққани, қайси бири ёқмаганлигини сўраб, унинг фикрини билиш яқши самара беради. Агар бола ўз фикрини билдиришга қийналаётган бўлса, унда яна ўзингиздан бошланг. Аста-секин мавзунин китобий воқеадан ҳаётга буриг. Масалан, қаҳрамонлардан қайси бири қандай ҳусусиятлар билан унинг дўстларига ўхшашга қизиқинг. Бундай вазиятда болани биринчи бўлиб гапиришга, янги-янги воқеаларни илгари суришга, савол беришга мажбурлаш фойда бермайди;

- боланингизга уни севишингизни ва унга ишонингизни доимо айтиб туришга оdatланг.

Боладаги уятчанликни буткул салбий баҳолаб бўлмайди. Мисол учун уятчан болаларнинг ижодга мойлиги кучли бўлади. Уларнинг фантазияси бой бўлади. Шунинг учун айнан ижод уларнинг ўзларига нисбатан бўлган ишончини оширади. Уятчанликнинг ижобий томони — сабрлик, бир масала бўйича кўп ўйлаш, фикрлаш доирасининг кенглиги, меҳнатсеварлик, ўз ишининг натижасини олдидан кўра олиш, кузатувчанлик, масъулиятни ҳис эти билиш ва бошқаларда намоён бўлади.

Салбий томонлари эса уятчанлик ва ҳатто одамовилик, нозиклик ва кўрқоқликда кўрилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, одамови болаларнинг тарбияси билан шуғулланишда нафақат ота-она, балки маҳалла-қўй, мактаб ҳам масъул бўлмоғи лозим.

Гулнора АКМАЛОВА тайёрлади.

## МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

### Қадриятларга эҳтиром ва дахлдорлик ҳисси ортмоқда

Инсонга киндик қони тўкилган жой, меҳрибон ота-онаси, ёру биродарлари, қўни-қўшинлари доимо азиз. У қайда бўлмасин табаррук ошён сари талинлиб яшайди. Қувончу ташвишларини, орзу-умидларини юрти, маҳалласи тимсолида кўради.

Яқин ўтмишда Гиждувоннинг Сармижон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳалласи — «Маҳалламирон» аҳли асосан хўжалик далаларида ишларди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш, касаначилик, томорқадан даромад топиб фаровон ҳаётга эришиш истақлари турмуш тарзиндан беғонадек эди.

Бутун-чи? Маҳаллага эътибор туфайли инсон қадри тобора ортиб, азалий қадриятларимиз, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимиз сайқал тошиб бормоқда.

«Маҳалламирон» маҳалласи ҳам қисқа фурсатда овод ва кўркам қиёфага эга бўлди. Бу маскан ҳаммаша одамлар билан гавжум. Дам олиш кунни, деган тушунча маҳалла фаолларига бегона. Биров тўй маслаҳати билан, яна бири муаммосини ҳал этиб беришни сўраб келади.

— Маҳалладошларнинг қувончу ташвишлари ўзимизники. Уларни ҳал этиш, керакали йўл-йўриқ кўрсатиш бурчимиз. Энг муҳими, қадриятларимизни эъзозлаш,

ёшларни илмий, хунарли қилиб тарбиялаш, одамларнинг меҳнатга иштиёқини ошириш орқали фаровон турмуш тарзини яратиб фаолларимизнинг доимий эътиборида, — дейди маҳалла оқсоқоли Ахтам ота Муқомов.

Маҳалламиронликлар касаначиликка алоҳида меҳр қўйишган. Худуддаги 130 та хўжаликнинг даярли тенг ярмида хотин-қизлар зардулик, каштачилик, тикувчилик сирларини эгаллаган. Яқинда фаоллардан Махфират Нарзиева маҳалладаги 20 нафардан ортиқ қизларга зардулик ва каштачилик сирларини ўргатди. Эндликда улар мустақил равишда касаначилик билан

шуғулланипти. Бу эса 20 га яқин оилага қўшимча даромад кирди, деганидир.

Юртимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга берилаётган эътибор натижасида Сармижон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда қирққа яқин бири бирдан кўркам уй-жойлар бунёд этилиб, ўз эгаларига топирилди. Ушбу хайрли ишлар натижасида одамлар қалбиде Ватанга муҳаббат, азалий қадриятларга эҳтиром ва юрт келажигига дахлдорлик ҳисси юксалмоқда.

Сардорбек ҲИКМАТОВ,  
Тошкент Давлат иқтисодий  
университети талабаси.